

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 22 декабрь • №51-52 (1434)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ

Муҳтарам меҳмонлар!
Жонажон Ўзбекистонимиз миллий ривожланишнинг янги даврига дадил қадам қўймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бермоқда.

Беҳисоб шукр, бу йил аҳолимиз 36 миллиондан ошди. Ҳар йили сафимизга қарийб 900 минг янги авлод кўшилмоқда.

Ўзбекистон деб аталмиш катта ва иноқ оиланинг ҳар бир аъзоси тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлида тинимсиз изланимиз.

Яқунига етаётган 2022 йил гоят мураккаб ва синовли йил бўлди, десам, ҳар томонлама тўғри бўлади. Ушбу даврда тўплаган тажрибамиз бир ҳақиқатни яққол исботлаб бер-

моқда: **тараққиётга – фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади.**

Шу боис, пандемия, дунёдаги чуқур иқтисодий ва сиёсий инкирозлар, зиддиятларга қарамасдан, халқимизнинг қаҳрамонларча меҳнати билан эришган айрим ютуқларимизни айтиб ўтишни ўринли, деб биламан.

Кенг кўламли ва самарали ислохотларимиз натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди.

Иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспортимиз эса, 19 миллиард долларга етди.

Бундай катта натижалар илгари бўлмаган.

Биз бу йил тарихимизда илк

бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдорини минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқдик. Мисол учун, 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб 2 миллиондан ортиқ оилаларга кўмак берилмоқда. Ажратилаётган маблағлар эса, 7 баробар кўпайтирилиб, йилига 11 триллион сўмга етди.

Биз иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдорини, аҳоли жон бошига даромадларни ошириш сиёсатини изчил давом эттирамиз.

Бу рақамларни айтиш осон. Уларнинг ҳар бири ортида машаққатли меҳнат турибди. Чунки инсон қадри, инсонни эъзозлаш – эътиборимиздаги энг асосий масала.

Шу мақсадда охириги олти йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 300 мингта ёки аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп уй-жойлар қурдик.

Бу даврда қўшимча 500 минг ўқувчи ўрни яратилиб, уларнинг жами сони 5 миллион 300 мингга етди. Ҳозирги вақтда яна 1 миллион 200 минг ўқувчи ўрни яратиш бўйича ишлар жадал давом эттирилмоқда.

Халқимиз соғлигини сақлаш учун барча тиббий хизматларни энг чекка туман ва маҳаллалар даражасигача туширяпмиз.

Одамларимизни касб-хунарли қилиш, уларнинг бизнесига кенг йўл очиш, ҳақиқий мулкдор бўлиб, даромад топиши учун зарур шароитларни яратмоқдамиз.

Бу йил 381 нафар спортчи-

миз жаҳон ва Осиё мусобақаларида, 43 нафар иқтидорли ва билимдон ёшларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадалари ҳамда танловларида совринли ўринларни қўлга киритгани барчамизни албатта қувонтиради.

Нуроний отахон ва онахонларимиз оила даврасида, ҳаж ва умра зиёратларида шукроналик дуоларини қилаётгани бизга куч ва ғайрат бағишламоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон сиёсати марказларидан бирига айланаётгани, халқаро ҳамжамият буни кенг эътироф этаётгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилоти саммитлари ҳамда ўнлаб юқори даражадаги халқаро анжуманларга мезбонлик қилдик

Давоми 2-бетда →

ЯНГИ 2023 ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



ЯНГИ ЙИЛ

МУБОРАК БЎЛСИН, ОНАЖОН!

Арчалар шоҳида турар тилло зар,
Яшил чироқларда безанди шаҳар.
Мунглиг дарчалардан боқдингиз саҳар,
Янги йил муборак бўлсин, онажон.



Ёгаётган қор каби кўнглингиз оқда,
Бу ерда ҳаммаси ёлғону сохта.
Чаккангиз четида очилган пахта,
Янги йил муборак бўлсин, онажон.



Мен йўқ, қурум босиб ётар мўрилар,
Анори сочилиб ётган сўрилар.
Болам деб дарвоза замгин сурилар,
Янги йил муборак бўлсин, онажон.



“Кетдик” дер юрагим, сира кўнмади,
Тўрт фасл дилимда райҳон унмади.
Бу ерда бўронлар ҳали тинмади,
Янги йил муборак бўлсин, онажон.



Баҳорни соғиндим, кўзни англадим,
Меҳрли, меҳрсиз юзни англадим.
Мусофир кунларда Сизни англадим,
Янги йил муборак бўлсин, онажон.



Дейсиз, сен келгунча сира ўлмайман,
Тангри дер, ҳар кимни ҳар кун қўллайман.
Сиз учун хайрли дуо йўллайман,
Янги йил муборак бўлсин, онажон.



Азиз

Юртдошлар!

Барчангизни «Янги йил» байрами билан табриклаб, Сиз учун ушбу йил умидли ва баракали йиллардан бири бўлиб қолишида ҳамда ушбу йилда улкан муваффақиятларга эришишингизда тилакдошимиз. Ҳаётингиз доим мазмунли ва қизиқарли бўлишини, бахтли лаҳзаларда ҳаммиша оила ҳамда дўстлар даврасида бўлишингизни, чексиз бахт, саломатлик ва баирака сизни тарқ этмаслигини истаб қоламиз!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ

← Давом. Боши 1-бетда

ва муҳим ташаббусларни илгари сурдик. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг халқаро нуфузи тобора ортиб бораётганидан даҳлат беради.

Мана шундай катта ютуқларга эришишда фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшган ҳар бир юртдошимизга ўз миннатдорлигимни билдираман.

Жаҳоннинг илм-фан, маданият ва спорт шоҳсупаларида байроғимизни баланд кўтарган ўғил-қизларимиз, шижоатли ёшларимизга янги-янги зафарлар тилайман. Улар бизнинг фахримиз-ғуруримиздир.

Чегараларимиз даҳлсизлиги ва тинчлигимизни кўз қорачиғидек ҳимоя қилиб келаётган Ватанимиз посбонларига ҳам эзгу тилакларимни йўлламан.

Қадри фахрийларимиз, мухтарам опа-сингилларимиз, тadbиркор ва фермерларимизга ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман.

Ислохотларимизни қўллаб-қувватлаб келаётган хорижий ҳамкорларимизга, бугунги анжуманда қатнашаётган дипломатик корпус вакилларига ҳам ташаккурларимни айтаман.

Албатта, эришаётган барча ютуқларимиз, инсон кадрлари улғун бўлган диёр – Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги дастлабки натижалардир. Биз бунёдкор халқимиз билан бирга бундай эзгу ишларни давом эттирамиз ва олдимизга қўйган катта-катта марраларга албатта эришамиз.

Ҳурматли юртдошлар, қадри меҳмонлар!

Ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз – бугун инсоният ниҳоятда мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Ер юзида иқлимнинг кескин ўзгариши, сув ва бошқа табиий ресурслар камайиши билан боғлиқ муаммолар катта хатарларга айланмоқда.

Халқаро муносабатларда ўзаро ишонч камайиб, қарма-қаршилиқ ва жоҳарларнинг ортиши барқарорлик ва ривожланишга жиддий хавф солмоқда.

Афсуски, бундай хавф-хатарлар бизни ҳам четлаб ўтмаяпти.

Қорақалпоғистонда шу йил ёзда содир бўлган ноҳуш воқеалар бутун эл-юртимизни каттиқ қайғуга солди. Худога шукр, кўп миллатли халқимизнинг оқиллиги ва донишмандлиги билан вазият тезда изга тушди.

Биз учун **“Қорақалпоғистоннинг ютуғи – бутун Ўз-**

бекистоннинг ютуғи, Қорақалпоғистоннинг ташвиши – бутун Ўзбекистоннинг ташвиши” деган ғоя ҳамisha амалий ҳаракат дастури бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бизнинг эзгу мақсадимиз – биргаликдаги меҳнатимиз билан Янги Ўзбекистонда ҳар томонлама ривожланган, обод ва фаровон Янги Қорақалпоғистонни бунёд этишдир.

Асрлар давомида эт ва тирноқ каби бир бўлиб кетган халқларимиз дўстлигига ҳеч қандай куч таъсир кўрсата олмайди. Чунки бизнинг ўтмишимиз бир, бугунимиз ҳам, келажакимиз ҳам бир.

Биз жонжон Ватанимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга ҳар томонлама қодирмиз. Тинч ва осойишта ҳаётимизни асраб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, барқарор тараққиёт йўлигимизни жадал давом эттирамиз!

Азиз дўстлар!

Бир ҳаётини ҳақиқатни таъкидламоқчиман – бугун замон ҳар қачонгидан ҳам тезлашди. Фаровонлик ошгани сайин аҳолимизнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам ортиб бормоқда.

Мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак. Агар шундай қилмасак, муаммоларни кўриб, кўрмасликка олсак, замондан орқада қоламиз. Халқимиз, ёш авлодимиз биздан рози бўлмайди.

Шу боис, **“Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат”** деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур сингдиришимиз керак. Ҳозирги кундаги жиддий синовлар ва башорат қилиб бўлмайдиган хавф-хатарларни енгиб ўтишга қодир бўлган миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлашимиз зарур.

Шуларни эътиборга олган ҳолда, Асосий қонунимизни тақомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Ушбу ислохотдан халқимиз катта ўзгаришлар кутмоқда. Бугунги кунга қадар бу борада 220 мингдан зиёд тақлиф келиб тушгани ҳам бунинг яққол далилидир.

Муҳокамалар қизгин давом этмоқда. Бу жараёнда депутатларимиз, сиёсий партияларимиз масъул ва фаол бўлиб, ҳар бир тақлифга жиддий ёндашаётганини кўриб турибмиз. Бунинг учун уларга раҳмат айтаман.

“Жамият – ислохотлар та-

шаббускори” тамойили асосида барча масалалар бўйича халқимиз билан бамаслаҳат иш тутамиз.

Умуман, маъно-мазмуни инсон кадрини улғулаш руҳи билан бойитилган, келажак авлодларга муносиб хизмат қиладиган, Янги Ўзбекистонга мос бўлган Конституцияни ҳар томонлама ўйлаб, шошилмасдан ишлаб чиқишимиз керак.

Фуқароларимиз билдирган барча тақлиф ва истақлар албатта инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади.

Энг муҳими – ҳар бир ватандошимиз конституциявий ислохотларга даҳлдор бўлиши ва **“Бу – менинг Конституциям”**, деб юксак ғурур ва ифтихор билан айта олиши керак.

Мухтарам юртдошлар!

Келгуси йилга режаларни тўғри олиш учун халқимизнинг фикрини ҳар бир йўналиш бўйича чуқур таҳлил этиб, 20 мингга яқин тақлифларни муҳокама қилдик.

Одамларимиз таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт йўналишларида аниқ-аниқ масалаларни кўтариб, улар бўйича тизимли ечимларни ҳам тақлиф этмоқда.

Аҳолимиз биздан мактаб, боғча ва шифохоналарни кўпайтириш, таълим ва тиббиёт сифатини оширишни, маҳаллада йўл, сув, электр, транспорт муаммоларини ҳал қилишни, иш ўринларини кўпайтириш, тadbиркорликка янги имкониятлар яратишни, адолатни таъминлаш, оворагарчилик, бюрократия ва коррупцияни йўқ қилишни кутмоқда.

Кўтарилган масалалар аниқ ва ўринлидир. Қанчалик қийин бўлмасин, биз бу муаммоларни ечишимиз шарт. Ҳеч ким четдан келиб, буларни ҳал қилиб бермайди. Одамларимизнинг ташаббуси, шижоати ва салоҳиятини ишга солиш учун барча шароитларни туғдириб бериш асосий вазифамиз бўлиши керак.

Халқимизга қанча имконият яратсак, бунинг фойдаси жамиятимизга ўн қарра, юз қарра бўлиб қайтади.

Шу боис, кириб келаётган янги, 2023 йилга юртимизда **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”**, деб ном беришни тақлиф қиламан.

Нима учун йилга бундай ном беришимиз?

Биз Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини таъминлашни устувор вазифа этиб белгиладик. Бу сиё-

сат бир йил билан чекланиб қолмаслиги, доимо бардавом бўлиши барчамизга аён.

Аслида ҳам, бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз, бу – бунёдкор халқимиз, дуоғўй ота-оналаримиз, навқирон авлодимиз эмасми?

Шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва бахтли ҳаёт кечирishi, унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қилишимиз ва бу йўлдан асло тўхтамаймиз.

Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққою ягона тўғри йўлидир.

Юсуф Хос Ҳожиб бобомиз айтганларидек:

“Заковат бор жойда улғулик бўлади,

Билим бор жойда буюклик бўлади”.

Шунинг учун ушбу соҳада бошлаган ислохотларимизни давом эттиришимиз, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш бўйича улар қўйган масалаларни биргаликда ҳал этишимиз керак.

Биз келгуси йил Давлат дастурига халқимиз кўтарган барча масалаларни аниқ ечимлари билан киритамиз. Ушбу жараёнларда депутат ва сенаторлар, маҳалла вакиллари, зиёлилар, ёшлар, тadbиркорлар ва кенг жамоатчилигимиздан фаол бўлишларини, янги-янги тақлиф ва ташаббуслар билдиришларини сўрайман.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Энди 2023 йилдаги устувор йўналишларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчи йўналиш. Ихчам ва самарали давлат бошқарув тизимига ўтишни тақлиф қиламан.

Нима учун сўзни айнан шу йўналишдаги ислохотдан бошлаяпман?

Олдинлари эътибордан четда қолиб, **“йўқ бўлиб кетиш”** арафасида бўлган соҳаларни **“оёққа турғизиш”** учун олти йил давомида янги вазирлик ва идораларни ташкил қилишга тўғри келди. Шундай қилишга мажбур эдик, акс ҳолда ҳозирги ютуқларимиз бўлмас эди.

Мактабгача таълим, уй-жой коммунал, **“маҳаллабай”** ишлаш, инвестиция, давлат хизматлари, давлат-хусусий шериклик соҳаларида катта натижаларга эришдик. Хусусий сек-

тор ва тadbиркорликнинг ривожланиши орта қайтмас жараёнга айланди. Аҳолимизнинг фаоллиги, замонавий технология ва касб-ҳунарларга интилиши ошиб бормоқда. Иқтисодиётимизда кундан-кунга янги-янги йўналиш ва соҳалар яратилмоқда.

Бу борада хусусий ташаббусларни янада кенгайтириш, уларга янги истиқболларни очиш мақсадида энди **“қўл бошқаруви”**дан – аниқ натижага ишлайдиган тизимли бошқарувга ўтиш вақти келди.

Очиқ айтиш керак – ҳозирги кунда давлат аппаратида тақдорланиш кўп, кераксиз штатлар бор. Марказлашув юқори. Оқибатда бугунги мураккаб масалаларга тўғри ечим топиш учун ортиқча вақт, куч ва ресурс сарфланмоқда.

Вазирларнинг Ҳукумат қабул қилаётган қарорларда, таъбир жоиз бўлса, **“овози йўқ”**. Яъни, уларнинг ушбу қарорларни тайёрлаш ва ҳаётга жорий этишдаги иштироки ва масъулияти етарли эмас. Энди вазирларнинг бундай эскича усулда ишлашга ҳаққи йўқ.

Агар вазирнинг ўз соҳаси бўйича узокни кўзлаган аниқ ёндашувлари бўлмаса, унинг фаолияти туфайли одамларнинг оғири енгил бўлмаса, ўзингиз айтинг, бундай раҳбардан нима наф бор?

Шунинг учун янги маъмурий ислохотлар тўғрисидаги Фармонни имзоладим. Бунга узок тайёргарлик кўрдик.

Биринчи босқичда вазирликлар ислох қилинади, Ҳукумат иш услуби ҳам тубдан ўзгаради. Энг аввало, вазирлик ва идоралар сони ҳозирги 61 тадан 28 тага камайтирилади.

Энди ҳар бир вазирлик тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга оширишга масъул бўлиб, тармоқ таркибидаги кўмита, агентлик ва инспекцияларга раҳбарлик қилади.

Кўп вазирлар ўзгаради. Ўз соҳасининг чуқур билимдони, фидойи ва ишидан халқ рози бўлаётган вазирлар лавозимида қолади. Ўйлайманки, бундай ёндашув адолатли бўлади.

Давлат хизматчилари сони босқичма-босқич 30-35 фоизга қисқаради. Иқтисод қилинадиган маблағлар ижтимоий масалаларга йўналтирилади.

Ҳар бир вазирнинг сиёсий мақоми, Президент, парламент ва жамоатчилик олдидаги масъулияти оширилади. Бунга мос равишда жавобгарлиги ҳам кучайтирилади. Уларга

Давом 3-бетда →

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ

◀ Давоми. Боши 1 ва 2-бетларда

аҳоли муаммоларини ҳал қилиш учун етарли ваколат ва маблағ берилди.

Вазирликлар фаолиятида очиқлик, қонунийлик, натижадорлик ва сифат асосий мезон бўлади.

Биз коррупция ҳақида кўп гапиримиз, лекин вазирлик тизимида коррупцияга йўл қўйилса, нима учун вазир жавоб бермаскача бўлади. Вазир ўзи раҳбарлик қилаётган соҳага ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли ишлатиш бўйича биринчи бўлиб ўзи жавоб беради.

Имом Мотуридий бобомизнинг: **“Элу юрт билан ҳамдард бўлиб яшагин, токи халқ ҳамини сен билан бирга бўлган”**, деган ҳаётий ҳикмати ҳар бир вазир, ҳар қайси раҳбарнинг онги, қалби ва ҳаракатида муҳрланиши лозим.

Давлат вакиллари ўзининг ҳалол меҳнати, оддийлиги, халқсеварлиги, самимийлиги ва фидойилиги билан одамларимиз меҳрини қозониши керак.

Энди вазирларнинг сиёсий масъулияти оширилиб, Ҳукумат қарорлари лойиҳалари, мамлакатимиз ҳаётига оид муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар бевосита вазирлар иштирокида коллегиял ҳал этилади.

Ҳар бир вилоятдаги муаммоларни ечиш учун ҳар ойда жойига чиққан ҳолда, “Ҳукумат кун” ўтказилиши йўлга қўйилди.

Вазир ҳар йилнинг бошида жамоатчилик олдида соҳадаги режаси ва йил якуни билан эса унинг натижаси бўйича ҳисобот беради.

Таъкидлаб айтмоқчиман – энди қайси вазир ўз ишини эплай олмаса, истеъфога чиқади.

Шу ўринда яна бир фикрни Парламент вакилларига етказмоқчиман.

Сўнги йилларда кўп ваколатларни Олий Мажлисга ўтказдик, уларни янада кенгайтиришни ўйлабмиз. Янги вазирни тайинлашда ҳам депутатлар иштирок этмоқда, режалари билан танишиб, маълумлаштириб. Лекин, афсуски, кейинчалик фақат танқид билан чекланмоқда.

Маълумки, соҳалар бўйича иккала палатада ҳам қўмиталар, комиссиялар бор. Аслида, улар вазирларга қайси йўналишда ёки ҳудудда иш яхши кетмаётганини кўрсатиши, камчиликлар бўйича жойига чиқиб, аҳоли фикрини ўрганиб, масалага биргалликда ечим топишлари лозим.

Шу боис, вазир фаолиятини

самарали ташкил этишда парламентдаги қўмита, комиссия ва депутатларнинг ҳам масъулиятини белгилаш тўғри бўлади, деб ҳисоблайман.

Албатта, танқид ҳам керак. Аммо ҳозирги депутатларга берилган катта ваколат ва имкониятлардан самарали фойдаланиш лозим.

Мен ҳам узоқ йиллар депутат бўлиб ишлаганман, ўша даврда Парламентда ҳисобот берган вазирларни камдан-кам кўрар эдик. Ҳозир эса вазият мутлақо бошқача-ку! Шунинг учун энг муҳим масала – юрт тақдирига дахлдор бўлиб, халқимизни рози қилиш учун ҳаммамиз биргалликда ишлашимиз керак.

Умуман, Парламентимизнинг иш услубини яхшилаш ва фаолият самарадорлигини ошириш ҳам Конституциямизда ўз аксини топиши зарур.

Маъмурий ислохотларнинг иккинчи босқичи сифатида келгуси йилда ҳудудлардаги бошқарув тизими ҳам ислох қилинади.

Барча маъмурий ислохотлар доирасидаги янги ташаббуслар Конституциямизда албатта белгилаб қўйилиши лозим. Ўйлайманки, сизлар ҳам бунга қўшилисанлар.

Бу йил “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги янги қонунни қабул қилдик. Бундан буён давлат лавозимларига фақат конкурс асосида ишга қабул қилинади. Барча раҳбарлар фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаб борилади.

Ҳар йили 500 нафар мутахассисни энг нуфузли хорижий олийгоҳ ва марказларда ўқитиб келамиз.

Келгуси икки йилда ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимлигига республика идораларида юқори лавозимларда ишлаган, билимли ва тажрибали кадрлар қўйилди.

Янги йилдан бошлаб ҳар бир ҳоким ўз туманига 40-50 миллион доллар хусусий инвестицияларни олиб келиши керак бўлади.

Вазирлар фақат давлат маблағини сарф қилмасдан, ўзлари ҳам ташаббус кўрсатиб, хусусий инвестицияларни жалб қилишлари лозим. Масалан, давлат-хусусий шериклик орқали кишлоқ, сув, ўрмон хўжаликлари, транспорт соҳаларига бемалол йилига 1 миллиард долларга сармоя олиб келиши мумкин.

Маъмурий ислохотлар доирасида яна бир муҳим ташаббусни илгари сурмоқчиман.

Ҳозирги кунга келиб Марка-

зий Осиеда аҳолиси миллиондан ортиқ шаҳарлар 7 тага етди. Минтақамизда пойтахтлар билан бир қаторда бошқа йирик шаҳарлар ҳам “ўсиш нуқталари”га айланмоқда. Буларнинг орасида Самарқанд ва Наманган шаҳарлари ҳам бор. Уларнинг ҳар бирида аҳоли сони бир миллионга етмоқда. Иккала шаҳарда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Самарқанд шаҳри дунё танилган мегаполисга, халқаро туризм ва бизнес марказига айланмоқда. Наманган ҳам саноат, тадбиркорлик, таълим, маданият соҳаларида минтақавий марказ сифатида ўз ўрнини топмоқда. Шу боис, Самарқанд ва Наманган шаҳарларини алоҳида маъмурий-ҳудудий бирликлар сифатида республика бўйсунувида ўтказишни таклиф қиламан.

Бу пойтахтимиз Тошкент билан бир қаторда “ўзига тортувчи марказлар”ни кўпайтириш бўйича бошлаган сиёсатимизда янги амалий қадам бўлади; жон бошига даромад, иш жойларини кўпайтиради; иккала вилоятда ҳам туманларни ривожлантиришга кўпроқ эътибор қаратилади ва буям адолатдан бўлади.

Энди ушбу вилоят ҳокимлари фақат йирик шаҳарлар билан эмас, туманларда шароитларни яхшилаш бўйича ҳам ишлаши талаб этилади.

Ҳар иккала шаҳарни ривожлантириш дастури Вазирлар Маҳкамасида тасдиқланиб, уларнинг ижроси учун бевосита Бош вазир жавоб беради.

Иккинчи йўналиш. Биз Янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосида қуришни мақсад қиламиз. Буни Конституцияда мустақамлашмиз керак.

Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир.

Шу боис, биринчи навбатда, эътиборни Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни кўллаб-қувватлашга қаратамиз.

“Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия тугай эришилади”.

Маърифатпарвар жадид болаларимизнинг бу сўзлари депутат ва сенаторларимиз, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бутун давлат аппарати, кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракатига айланиши керак. Шу

боис, мактабларда таълим сифати ҳамда жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, муаллимларнинг шароитларини яхшилаш 2023 йилдаги энг асосий вазифаларимиздан бири бўлади.

Ўқитувчиларнинг мақомини, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини химоя қилишни Конституцияда алоҳида белгилаш зарур, деб ҳисоблайман.

Келгуси йилдан бошланғич синфларда мутлақо янги методика асосида яратилган дарсликлар бўйича ўқитиш йўлга қўйилади. Ҳозирги вақтда улар халқаро экспертгадан ўтиб, ўзимизда синовдан ўтказилмоқда. Лекин юқори синфларда-чи? Очиқ айтиш керак, уларда берилаётган таълим ва тарбия сифати, ўқитувчиларнинг билими ва маҳоратини талаб даражасида, деб бўлмайди.

Болаларимиз мактабдан она тили ва чет тилларини пухта ўзлаштириб, компютерда ишлашни ўрганиб чиқиши зарур. Фарзандларимизни касб-хунарларга, санъат ва маданиятга қизиқтиришимиз лозим.

Ўқувчиларда эркин ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш зарур.

Мана, мактабларимизга қандай муҳит кириб келиши керак!

Бу борада Президент мактабларида 130 та мамлакатда маъқулланган “A-level” таълим дастури йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда.

Бу жараёнда ҳар бир ўқувчи ўзининг қобилиятига қараб, аниқ йўналишлар бўйича чуқур ўқитилади, дунёнинг нуфузли олийгоҳларига кириш имкониятлари кенгайди.

Шу боис, 2023 йилдан мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислох қилишни бошлаймиз.

Бу ишларни тизимли йўлга қўйиш, янги дарсликларни ишлаб чиқиш, илгор таълим стандартлари ва методикаларини жорий этиш учун алоҳида илмий институт ва лабораториялар ташкил қилинади. Миллий ўзлимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътибор янада кучайтирилади.

Ҳозирги очиқлик сиёсати, чет эл инвестициялари ва янги корхоналарнинг ортиб бораётгани ёшларимизни замонавий билимлар ва хорижий тилларни ўрганишга ундамоқда. Шу боис, мактабларга юқори малакали хорижий ўқитувчиларни олиб келишга мажбур бўляпмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча мактаб жамоаларига муурожаат қилмоқчиман.

Жондан азиз болаларимиз мактабдан чет тилларни, касб-хунар ва компютер саводхонлигини пухта ўрганиб чиқса, биласизларми, жамиятимиз қандай ўзгаради?

Янги Ўзбекистонда мактаб жамоалари ва муаллимларининг масъулияти – айнан ана шу масалаларда яққол намоён бўлади. Ва мен ишонаман – сиз, жонкуяр ўқитувчиларимиз бу вазифани шараф билан уддалайсизлар.

Келгуси йили 70 та янги мактаб қурилади, 460 та мактаб кенгайтирилади. Хусусий инвестициялар иштирокида 100 та мактаб қуриш лойиҳалари бошланади, келгуси беш йилда уларнинг сонини 1 мингга етказамиз.

Йил бошидан Қорақалпоғистон ва Хоразмда 285 минг нафар бошланғич синф ўқувчилари учун бепул овқатланish йўлга қўйилди. Бу борада етарли тажриба орттирдик.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб ушбу амалиёт қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳри мактабларида ҳам жорий этилади ва бунинг учун 2,3 триллион сўм ажратилади. Бу жараёнларни шаффоф тизим асосида ташкил этиш, фарзандларимизни соғлом ва сифатли овқат билан таъминлашга халқ таълими вазири масъул ва жавобгар бўлади.

Таълим соҳасидаги навбатдаги муҳим йўналиш, бу – ёшларнинг замонавий касб-хунар эгаллаши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келаётгани ҳаммамизни ўйлантдириши керак. Шу боис, 700 дан ортиқ касб-хунар мактаби, коллеж ва техникумлар имкониятидан самарали фойдаланиш зарур.

Бу мақсадда 2023 йилдан бошлаб янги дастур амалга оширилади. Ҳар бир вилоятда 1 тадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилади. Келгуси беш йилда барча коллеж ва техникумлар ушбу тизим билан қамраб олинади.

Шу билан бирга, иқтидорли ёшларни кўллаб-қувватлашни кенгайтирамоқчиман. Кимё саноати, электр техникаси, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар билан бирга, алоҳида Мухандислик мактаблари ташкил қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ

◀ Давоми. Боши 1, 2 ва 3-бетларда

Бу тизим бизда ҳозиргача бўлмаган. Лўнда айтганда, янги замон инженерлари тайёрлаш тизimini яратамиз.

Сўнгги олти йилда болаларни мактабгача таълим билан камраб олиш даражаси 27 фоиздан 70 фоизга етиши натижасида бугунги кунда 2 миллионга яқин бола боғчага бормокда. Яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган ЮНЕСКОнинг Мактабгача таълим бўйича Умумжаҳон анжуманида ҳам бу ислохотларимиз юксак эътироф этилди.

Шу билан бирга, келгуси беш йилда камровни 80 фоизга етказиш учун 600 минг янги боғча ўрни керак. Бу – жуда катта марра. Шу боис, боғчалар сонини кўпайтириш, улардаги таълим ва тарбия сифатини тубдан яхшилаш бўйича беш йиллик дастур қабул қилинади. Боғча камровини кенгайтириш бўйича хусусий секторга кўшимча шароитлар яратилади.

Сўнгги йилларда олийгоҳларимиз 2,5 баробар кўпайиб, 198 тага етди, камров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошди.

Биз бу рақамларни янада кўпайтиришни мақсад қилганмиз. Лекин, таълим сифати нима бўлади, деган савол ҳаммамизни ўйлантириши керак.

Аваллабор, бунга ҳар бир олийгоҳ ўзи ҳаракат қилиши лозим, ўшанда натижа бўлади.

Бу борада 41 та олийгоҳга академик ва молиявий мустақиллик берилди, уларда трансформация офислари очилди. Олийгоҳ ректорлари, профессор ва ўқитувчилар бу жараёнларда фаол бўлишлари, янги, илғор методикаларни жорий қилишлари керак.

Келгуси йилда олийгоҳ талабалари учун имтиёзли таълим кредитларига ресурслар 2 баробар кўпайтирилиб, 1,7 триллион сўм ажратилади.

Бу йил илм-фан ва инновацияларга 1,5 триллион сўм йўналтирилди. Бу – 2017 йилга нисбатан қарийб 6 баробар кўп, дегани.

Олимларнинг иш ҳақи ҳам 4,5 баробар оширилди.

Буларнинг барчаси ҳисобидан нано ва биотехнологиялар, рақамли геология каби 18 та янги илмий йўналиш ташкил этилди.

Келгуси йили илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм ажратилади.

Энди олимларимиз сув ва энергияни тежаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлик, геология, саноат, қурилиш каби бу-

гунги кунда биз учун долзарб йўналишларда аниқ натижалар кўрсатишлари керак.

Хурматли юртдошлар!

Халқимизнинг малакали ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтираимиз.

Авалло, бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми қонун билан белгиланади.

Ажратилаётган маблағлар ҳар бир беморга етиб бориши учун давлат тиббий суғуртасига ўтишни тезлаштираимиз. Келгуси йили бу тизим Тошкент шаҳрида бошланади. Босқичма-босқич бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилинади.

Шу ўринда бир оғриқли масалани айтиб ўтмоқчиман. Бугунги кунда 7 миллион аҳолимизда турли хил сурункали касалликлар бор.

Соғлом ҳаёт тарзи ҳақида олти йилдан бери гапиряпмиз. Лекин Соғликни сақлаш вазирлиги буни ҳали жой-жойига қўя олмаяпти. Соғлом овқатланиш рационага доир тавсиялар одамларга етказилмаяпти, турли ёшдаги кишилар учун жисмоний машқларни ўргатиш ишлари йўқ. Аслида, инсон саломатлиги, тиббиётнинг замини ҳам шулар-ку! Шу боис, **“Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” янги умуммиллий ҳаракатини** маҳалладан бошлаймиз. Бу ҳаракатда ёшу қари – барча юртдошларимиз ўз ўрнини топиши керак.

Аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш ишлари давом эттирилади. Келгуси икки йилда ҳар бир оилавий поликлиника ва шифокор пунктига энг керакли ускуна ва жиҳозлар етказиб берилди, экспресс лабораториялар тўлиқ янгиланади.

Янги йилда кўшимча 140 та оилавий шифокор пункти ва поликлиникалари, 520 та олис ва чекка маҳаллада ихчам тиббиёт пунктлари ташкил этилади.

Шу билан бирга, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича уч йиллик катта дастур амалга оширилади. Барча туғруқ комплекслари тўлиқ таъмирланади ва жиҳозланади, ўринлар сони 35 фоизга кўпайтирилади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда 15 мингга яқин онкологик беморлар нур ёрдамида даволашнишга муҳтож. Шу боис, келгуси йилда Самарқанд, Фарғона ва Хоразмда, давлат-хусусий шериклик асосида Радиология марказларини ташкил этиш лойиҳаларини бошлаймиз.

Мухтарам кўшма мажлис катнашчилари!

Маълумки, барча ислохотларимиз замини ва кўзгуси бу – маҳалла. Жамиятимиздаги барча жараёнлар маҳалла ҳаётида ўз ифодаси ва амалий ечимини топади.

Маҳалла – тинчлик ва осоишталик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжихатлик, маърифат ва тарбия қўргонидир. Шунинг учун ҳам бундан буён давлат инвестиция дастурлари маҳалла даражасига туширилади.

Аваллабор, 2023 йилда аҳоли томонидан таклиф берилган сув, электр энергияси, йўл, мактаб каби йўналишлар бўйича лойиҳалар учун қарийб 3 баробар кўп, яъни 8 триллион сўм йўналтирилади.

Ҳар бир маҳалла ўзининг кутубхонаси, спорт майдончасига эга бўлиши зарур.

Маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилади. Бунинг учун янги йилда 1 январдан бошлаб мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолади.

Шу билан бирга, Конституциямизга аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши ва уй-жойга эга бўлиши тўғрисидаги янги моддаларни киритиш лозим, деб ҳисоблайман.

Аҳоли учун янги уй-жойлар қуриш ҳажмини 1,5 баробар ошириб, 90 мингга етказамиз. Бу борада икки йил олдин бошланган имтиёзли шартлар асосида ипотека кредитлари бериш давом эттирилади.

Келгуси йилда Тошкент вилоятида “Менинг биринчи уйим” янги ипотека дастури бошланади. Дастур доирасида, биринчи навбатда турар жойга эҳтиёжи бор ҳамда ёш оилалар учун энг қулай шартлар асосида уй-жойлар барпо этилади.

Бундан ташқари, жамоат транспортидаги вазият мутлақо ўзгаради. Тошкент шаҳри учун кўшимча равишда 1 мингта замонавий автобус сотиб олинади, 7 та ер усти метро бекати ишга туширилади. Буларнинг ҳисобидан ҳар куни 500 мингдан зиёд пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига кўшимча қулайликлар яратилади.

Ҳудудларда ҳам йўловчи ташвиш сифатини яхшилаш мақсадида яна 1 мингта автобус харакати йўлга қўйилади. Бу орқали жамоат транспорти бўйича ахвол оғир бўлган 300 та маҳалладаги 1 миллион аҳолининг узоғи яқин қилинади.

Учинчи йўналиш. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозим.

Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида адолат ўрнатиш бўйича кўп иш қилдик. Шу билан бирга, одил судловни таъминлаш бўйича ҳали қўлимиз етиб бормаган масалалар бор. Афсуски, ҳозир ҳам тергов сифати пастлиги, судларда одамларнинг овозагарчилиги, суд қарорлари ижро этилмай қолаётгани билан боғлиқ ҳолатлар учрамоқда.

Бу масалалар, энг аввало, Олий суд раиси ва Бош прокурорни ташвишга солиши керак.

Нима учун ҳалигача давлат ҳисобидан бепул таъминланган адвокатларни электрон танлаш тизими ишга тушмади? Ким бунга қарши?

Бу масалани алоҳида назоратга олиб, тез кунларда ушбу тизимнинг тўлиқ ишга туширилишини таъминлашимиз зарур.

Шу боис, қисқа муддатда ҳуқуқ-тартибот идораларини янги ишлашга ўргатадиган, одил судлов сифатини оширадиган тизим яратамиз. Бу масалада алоҳида Фармон имзоланади.

Энг аввало, одамларимизнинг жойларда судма-суд сарсон бўлиб юришларига барҳам берилди. Бунинг учун адолатли ҳукм ва қарор чиқариш бўйича вилоят судларининг ваколати ҳам, масъулияти ҳам оширилади.

Тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкцияни прокурордан судга ўтказамиз. Энди терговчи жиноятга алоқадор деб, ҳар қандай мулкни хатлаб қўя олмайди. Ахир, биз хусусий мулк дахлсизлигини кучайтириш бўйича озмунча ҳаракат қилаймизми?

Бундан буён мулк ҳуқуқини чеклашга оид ҳар қандай ҳаракат фақат суд орқали бўлади.

Тергов сифатини ошириш бўйича ҳам тизимли чоралар кўрамиз. Тергов шахсни айблаш учун эмас, жиноятни фош этиш орқали ҳақиқатни аниқлаш учун ишлаши керак.

Шу билан бирга, судда ишларни кўришда катнашадиган алоҳида прокурорлар корпуси шакллантирилади. Улар махсус ўқитилади, ишни судда кўришда холис, мустақил бўлиши қонун билан белгиланади.

Одил судловни таъминлашда ҳимоячига берилган ҳуқуқлар ҳам қайта кўриб чиқилиб, етмайидиган ваколатлар берилди.

Нима учун адвокатга жи-

ноят иши қўзғатиш ва тугатиш ҳақидаги қарордан нусха берилмайди? Бундай ҳолатда тенглик ҳақида қандай гапириш мумкин?

Энди судларга жиноят иши фақат айблов ҳулосаси билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирга қабул қилинади.

Айбланувчининг ҳимоячидан воз кечиши бўйича ҳар бир ҳолат прокурор, суд томонидан синчиклаб ўрганиладиган тизим жорий қилинади.

Охирги пайтларда айрим вақтинча ушлаб туриш жойларида инсон ҳуқуқлари бузилиши бўйича оғриқли масалалар кўтарилмоқда.

Бизнинг юртимизда бундай ҳолатлар умуман бўлиши мумкин эмас. Ким бунга амал қилмаса, қонун устувор, жазо муқаррар бўлади.

Шу боис, бундай жойларга олиб келинган барча шахсларни ҳисобга олишнинг онлайн тизими жорий этилади ва юзни таълим ускунаси ўрнатилади.

Ҳеч кимнинг унутишга ҳаққи йўқ – қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари – биз учун олий қадрият.

Бош прокурор ва ички ишлар вазирли бу ҳақиқатни ҳар бир ходимга етказиб, таъсирчан назорат ўрнатиши шарт.

Илғор хорижий тажрибалар асосида маъмурий судлар фаолиятини янги босқичга олиб чиқамиз.

Маъмурий судларга ҳоким қароридан норози бўлиб муурожаат қилинган тақдирда, ишларни экстерриториал тартибда, яъни бошқа ҳудудда ҳам кўриш амалиёти жорий қилинади.

Вазирлар ҳам, ҳокимлар ҳам бир ҳақиқатни яхши тушуниб олиши керак: **Ўзбекистонда мулк ва инвестициянинг ҳимоячиси қайсидир ҳоким ёки вазир эмас, фақат Конституция, қонун ва суд бўлади.** Бу борада Халқаро тижорат судини Ўзбекистонда ташкил қилиш бўйича ҳам амалий ишлар бошланди.

Юқоридаги барча ташаббусларни Конституцияда тўғридан-тўғри муҳрлаб қўйиш лозим.

Шу ўринда биз учун долзарб муаммо бўлган коррупция масаласига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўтган икки йилда 5 мингта яқин мансабдор коррупцияга доир жиноятлар бўйича жавобгарликка тортилди. Лекин, очиқ айтиш керак, бу – масаланинг сабаби билан эмас, оқибати билан қурашиш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ

← Давоми. Боши 1, 2, 3 ва 4-бетларда

Депутат ва сенаторлар, маҳаллий кенгашлар ҳам бонг уриб, аниқ соҳаларни таҳлил қилиб, коррупцияни бартараф этиш бўйича фаол бўлишлари керак эмасми?

Ҳар бир депутат ўзининг округидаги бюджет ҳисобидан бўлаётган қурилишлар, йўлларни, ҳар ойда бориб кўрса, буюртмачи ва пудратчидан сифатни талаб қилса, биласизларми, аҳвол қандай ўзгаради? Бунинг учун сизларда етарли ваколат ҳам, шижоат ҳам бор.

Коррупцияга қарши курашиш борасида алоҳида қонунлар қабул қилиниб, ҳуқуқий асослар яратилди.

Энди амалий ишларни кучайтириш керак. Сунъий монополияга, ёпиқ схемаларга, умуман коррупцияга имкон яратадиган барча бўшлиқларга барҳам берилади.

Тўртинчи йўналиш экология, айниқса, сув масалалари глобал муаммога айланиб бораётгани билан боғлиқ.

Биз нафақат бугунги, балки келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз шарт. Шу боис, Конституцияда табиий ресурслар, жумладан, сув ҳавзалари ва ер ости захираларини муҳофаза қилиш бўйича талабларни кучайтиришимиз зарур.

Биласиз, мамлакатимиз сўнгги 3 йилда қурғоқчиликни бошдан кечирди. Бунинг таъсири, айниқса, Амударёнинг қуйи ҳавзасидаги ҳудудларимизда яққол сезилди.

Шу ўринда Амударё ўзанида янги канал қурилиши бўйича кўшни Афғонистоннинг муваққат ҳукумати ҳамда жаҳон ҳамжамияти билан бирга халқаро меъёрлар асосида ва минтақанинг барча давлатлари манфаатларини инобатга олиш юзасидан амалий мулоқотлар олиб бориш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бундай ёндашув кўшилларимиз томонидан ҳам қўллаб-қувватланишига ишонамиз.

Умуман, сўнгги 15 йилда ёгингарчилик 25 фоизга қисқарди. Ёзда ўта иссиқ кунлар давомийлиги ортгани олдимизда ҳали қатта синовлар борлигидан далolat беради. Лекин ҳозирги вақтда экин майдонларига сув етказиб беришда сезиларли йўқотишлар бор. Шу боис, сув хўжалиги тизими ислоҳ қилинади.

Сувнинг ҳисобини очиқ-ошқора юритиш тизими жорий этилади ва келгуси уч йилда 13 мингта яқин сув хўжалиги объекти рақамлаштирилади. Шу

билан бирга, 16 та йирик насос станцияси давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилинади ва муқобил энергияга ўтказилади.

Буларга қўшимча равишда сув солиғи бўйича тушумларнинг бир қисми туманларда суғориш хизматларини ривожлантириш, ариқ, зовур ва каналларни бетонлашга йўналтирилади.

Ҳозирги вақтда бугун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам жиддий экологик муаммолар пайдо бўлмоқда. Аксарият ҳудудларимизда тупроқ таркиби бузилиб, унумдор ерлар қисқариб бораётгани, чўлланиш, сув етишмаслиги, қурғоқчилик, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш шулар жумласидандир.

Табиатимизни асраб-авайлаш, сув, ҳаво ва атроф-муҳитни тоза тутиш келгуси йилда ҳар бир маҳалла аҳолисининг маданияти ва амалий ҳаракатига айланиши керак. Бу борада мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун экология ва атроф-муҳитни асраш бўйича саъй-ҳаракатларимизни, хусусан, **“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси** доирасидаги ишларимизни кучайтираемиз.

Ҳурматли халқ вакиллари!

Биз кишлоқ хўжалигида ислохотларни қатъий давом эттираемиз.

Ер муносабатлари бўйича қатта ишларни бошлаб, шу йилнинг ўзида 100 минг гектар экин ерини аҳолига деҳқончилик қилиш учун бўлиб бердик. Бунинг ҳисобидан 1,5 миллион тонна қўшимча озиқ-овқат етиштирилди.

Энг асосийси, кишлоқларда 400 мингта янги деҳқон хўжалиги ташкил қилинди, 1 миллион 200 мингдан зиёд одамларимиз банд бўлиб, даромад оляпти.

Агар шу ислохотни қилмаганимизда, бозор ва дўконларимиз ҳозиргидек тўкин бўлармиди, экспорт шу даражага етармиди, жон бошига даромад ўсармиди?

Шу боис, 2023 йилда ҳам сув таъминоти яхши бўлган 100 минг гектар қўшимча экин майдонларини аҳолига ажратаемиз. Бунинг ҳисобидан қарийб 350 мингта янги деҳқон хўжалиги ташкил этилади.

Агар жами 750 мингта янги деҳқон хўжалигини тадбиркорга, ер эгасига айлантира оласак, кишлоқда жуда кўп ижтимоий муаммолар, аввало, ишсизлик ва камбағаллик масаласи ечилади. Мен бунга ишонаман.

Вилоят ва туман ҳоким-

лари бу ишни самарали ташкил этишга масъул ва жавобгар бўлиб, халқ олдида доимий ҳисобот бериб боришлари керак. Бунинг учун кооперацияни фаол қўллаб-қувватлаймиз, кичик ва ўрта қувватли саклаш корхоналари, саралаш ва қайта ишлаш инфратузилмасини ривожлантираемиз.

Умуман, аграр соҳада юқори қўшилган қиймат заنجирини яратиш лойиҳаларига 2023 йилда 1 миллиард доллар ажратилади.

Бешинчи йўналиш. Эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Конституцияда алоҳида ўрин эгаллаши керак.

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган кескин жараёнлардан барчангиз хабардорсиз. Жаҳонда мураккаб геосиёсий вазият, энергия ресурслари танқислиги кучайиб бормоқда, озиқ-овқатга эҳтиёж ортиб, молиявий ресурслар қимматлашмоқда.

Бундай вазиятда, қанчалик оғир бўлмасин, иқтисодий ислохотларни қатъий давом эттираемиз, ички имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиб, хусусий секторни янада қўллаб-қувватлаймиз. Бунинг учун, энг аввало, тадбиркорлик муҳитини тобора яхшилаш бўйича ислохотларни жадаллаштираемиз.

Биринчи навбатда, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни қисқартириш, барча туман ва шаҳарларни бир маромда ривожлантириш бўйича янгича ёндашувлар жорий этилади.

Биз чуқур таҳлил қилдик. Келгуси йилдан бошлаб туман ва шаҳарлар мавжуд шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, 5 та тоифага ажратилади. Жумладан, тадбиркорлик учун ҳар томонлама ривожланган 26 та туман – 1-тоифага; инфратузилмаси яхши бўлган 46 та туман – 2-тоифага; шароити нисбатан қониқарли бўлган 76 та туман – 3-тоифага; жозибадорлиги етарли бўлмаган 40 та туман – 4-тоифага; шароити оғир бўлган 20 та туман – 5-тоифага тўғри келади.

Энди тоифага қараб, туманларнинг иқтисодий ривожланишини белгилаймиз. Тадбиркорлар учун субсидия, кредитлар ва компенсациялар тоифалардан келиб чиқиб ажратилади. Улар учун солиқ ставкалари ҳар хил бўлади.

Мисол учун, бешинчи тоифага кирувчи, шароити энг оғир

бўлган 20 та туман учун айланмадан олинандиган солиқ, фойда солиғи, ижтимоий солиқ ставкаларини 1 фоиз миқдорда белгилаймиз. Мазкур туманлардаги тадбиркорлар ер ва мол-мулк солиқлари бўйича ҳисобланган сумманинг атиги 1 фоизини тўлайди. Яққа тадбиркорлар қатъий ставкадаги солиқларни тўлашдан озод этилади.

Худди шундай, бошқа тоифадаги туманларда кредитларга пасайтирилган фоиз ставкаларини қўллаш, инфратузилма харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш каби бир қатор энгилликлар берилади.

Бюджет харажатлари, аҳоли ва тадбиркорлар олдидаги мажбуриятларимизни қисқартирмаган ҳолда, бизнесга солиқ юқини камайтириш бўйича ишларни давом эттираемиз. Жумладан, 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида йилига камида 14 триллион сўм маблағ қолади. Лекин бизнес муҳитини яхшилаш учун фақат солиқни камайтиришнинг ўзи етарли эмас.

Ўтказилган сўровларда 70 фоиз тадбиркорлар солиқ, божхона, ҳокимият, электр, кадастр, ёнгин хавфсизлиги, санитар назорат каби идоралар томонидан маъмурий босимлар борлигини билдирган. Шу боис, 2023 йилда назорат қилувчи ва рухсат берувчи идоралар фаолияти яна бир марта танқидий кўриб чиқилади.

Биринчи навбатда, илғор тажрибалар асосида солиқ ва божхона маъмурчилиги жиддий ислоҳ қилинади. Бунда ҳамма давлат идораларида тадбиркорларга сервис хизмати кўрсатишни баҳолаш тизими жорий қилинади. Келгуси йил шу масала билан қаттиқ шуғулланамиз.

Таъкидлаб айтмоқчиман: биз тадбиркорлик соҳасида жавобгарликни энгиллаштириш бўйича бошлаган ислохотларимизни жадал давом эттираемиз.

Ҳурматли дўстлар!

Халқимиз ҳам, тадбиркор ва инвесторлар ҳам биздан долзарб масала бўлган энергетика соҳасида аниқ ечимлар қутаётгани сир эмас.

Очиқ айтиш керак, энергетика соҳасидаги муаммолар бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ.

Кўп йиллар давомида янги газ қонларига инвестиция қилинмагани, электр ва газ тармоқлари модернизация қилинмагани ҳам аниқ ҳақиқат. Оқи-

батда тизимда аниқ ҳисоб-китоб йўқлиги, қатта йўқотишлар оддий ҳолга айланиб қолган эди.

Шу билан бирга, сўнгги олти йилда аҳолининг 13 фоизга, саноат корхоналари эса 2 баробар ортиб, 45 мингдан 100 мингтага кўпайди. Натижада электр энергиясига талаб камида 35 фоиз ошди ва йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Иқтисодиётимиз барқарор ривожланиши учун энергетика соҳасига 25-30 миллиард доллар инвестиция керак. Бунга фақатгина хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали эришиш мумкин.

Шу боис, сўнгги уч йилда соҳага 8 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилинди. Жумладан, ўтган ҳафтада Бухоро, Наманган ва Хоразмда қуввати 500 мегаваттга яна 3 та қуёш станциясини қуриш бўйича танлов якунланди. Депутат ва сенаторлар томонидан қабул қилинган янги қонунлар бунинг учун ҳуқуқий асос бўлди.

Йил бошидан қуввати 1,5 минг мегаваттга 7 та электр станциясини ишга туширдик.

Келгуси йилда яна 4,5 минг мегаваттга 11 та йирик лойиҳани якунига етказамиз. Жумладан, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида барпо этиладиган қуёш ва шамол электр станциялари ҳисобидан қўшимча 14 миллиард киловатт электр ишлаб чиқарилади. Бу орқали хонадонларга бериладиган электр энергияси 50 фоизга кўпаяди.

Очиқ айтиш керак, кўп иқтисодчилар энергетика соҳасида эркин бозорга ўтишни таклиф қилмоқда.

Бу – тўғри йўл. Мен ҳам буни хоҳлайман. Лекин халқимизнинг жон бошига даромади, ижтимоий ҳимоясини ўйлаб, бу соҳадаги ислохотларни шошмасдан, босқичма-босқич қилишимиз керак.

Энг муҳим масала – энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш.

Афсуски, иқтисодиётимизда энергия сарфи бошқа давлатлардан 2 баробар юқори. Шунинг учун энергия самарадорлигини ошириш Миллий дастурини қабул қиламиз. Депутат ва сенаторларимиз бу ишга бош-қош бўлса, албатта ижобий натижа бўлади.

Уй, ишхона, боғча, мактаб ва кўчаларда одамларимизга энергиянинг қадрига етиш, уни те-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ

←Охири. Боши 1, 2, 3, 4 ва 5-бетларда

жашни ўргатиш керак. Қонунларимизда ҳам бу масалаларни мустаҳкамлаш зарур.

Шу билан бирга, кичик ҳажмдаги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кескин оширилади. Мисол учун, Тошкент вилоятида Олмалик, Бекобод комбинатлари ва бошқа йирик корхоналар ўз эҳтиёжлари учун 1 минг мегаваттлик куёш электр станцияларини ўрнатса, йилига 2,5 миллиард киловатт соат электр ишлаб чиқарилади. Бу орқали Тошкент вилоятининг қарийб 30 фоиз электр истеъмоли таъминланади ва 500 миллион куб метр газ тежалани.

Худди шундай асосда бошқа вилоятлар ҳам ҳисоб-китобларини қилиб, келгуси йил учун аниқ режаларини белгилаб олиши керак.

Республиканинг ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими ҳам ўз ҳудудидаги хонадон ва корхоналарда жами 5-10 мегаваттлик қайта тикланувчи энергия лойиҳаларини амалга ошириши шарт.

Агар ана шу масалага жиддий киришсак, бу ишлар албатта натижасини беради.

Умуман, келгуси уч йилда барча давлат ташкилотларида куёш панеллари ва иссиқ сув коллекторлари ўрнатилади. Ушбу мақсадларда 2 миллиард доллар миқдоридан инвестиция жалб қилинади. Бунинг ҳисобидан уларнинг 60 фоиз электр ва газ истеъмоли “яшил энергия”га ўтказилади.

Аҳоли хонадонларида эса, куёш панели ўрнатишга ажратиладиган субсидиялар ҳажми 2 баробар кўпайтирилади.

Умуман, “яшил энергия”га тезроқ ўтмасак, бу борада қонуларимизда ҳам аниқ механизмларни белгиламасак, аҳолимиз ва тадбиркорларимизни рози қила олмаймиз.

Газ захираларини кўпайтириш мақсадида геология-қидирув ишлари бўйича ўн йиллик дастур қабул қиламиз. Бунда янги технологияларни жорий этиб, илк бор чуқур қатламларда газ қазиб чиқариш ишларини бошлаймиз. Жумладан, Устюртнинг юқори истикболга эга чуқур қатламларида қидирув ишларига нуфузли хорижий инвесторлар жалб қилинади.

Газ қазиб чиқаришга олдин берилган барча лицензиялар қайта кўриб чиқилади, самарасиз ишлаётган корхоналар бўйича тегишли чоралар кўрилади.

Олтинчи йўналиш. Иқтисо-

диётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитларни янада яхшилаيمиз.

Биз сўнгги олти йилда инвестициялар ҳажмини ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизидан оширишга эришдик.

Келгуси йили қарийб 30 миллиард доллар сармоя жалб қилинади, шундан 25 миллиард доллар хусусий инвестициялар бўлади. Жумладан, умумий қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳани ишга туширамиз ва яна 40 та янги йирик лойиҳа бошланади.

Мисол учун, “Ёшлик” мис конини ўзлаштиришнинг биринчи босқичи якунига етказилиб, 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга 3-мисни бойитиш фабрикаси ишга тушади. Бу орқали Олмалик комбинатининг рудани қайта ишлаш қуввати ҳозирги 40 миллиондан 100 миллион тоннага етади.

Шу билан бирга, Олмаликда мисни бойитиш фабрикаси ва Мис эритиш заводи лойиҳалари бошланади.

Навойдаги Пистали конида 4 миллион тонна олтин рудасини қайта ишлаш мажмуасининг қурилиши якунланади.

Металлургия соҳасида амалга ошириладиган катта дастурларимиз беш йилдан кейин мисни – 3 баробар, олтинни эса йилига 150 тоннагача ошириш имконини беради.

Кимё, автомобилсозлик ва кишлок хўжалиги машинасозлигида ҳам катта-катта лойиҳалар ишга туширилади.

Шу билан бирга, фаол инвестицияларни жалб қилишда хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш зарур.

Келгуси йили катта хусусийлаштиришни бошлаймиз, 1 мингга яқин корхона савдога чиқарилади.

Бугун кўнглимдаги бир ниятимни сизларга очиқ айтмоқчиман. Менинг катта ниятим – юртдошларимиз орасида юз минглаб мулкдорлар, акциядорлар пайдо бўлсин. Одамларимиз ўз омонатларини инвестиция қилиб, юқори даромадларга эга бўлсин.

Шунинг учун топшириқ бердим: келгуси йилда энг йирик 10 та компания ва тижорат банкларимизнинг акциялари ўз аҳолимиз учун очиқ ва шаффоф савдога чиқарилади.

Бу чинакам халқчил IPO бўлишига ишонаман.

Шу борада илгари ҳам айтган

гапимни такрорлашни ўринли, деб биламан: **халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади.**

Навбатдаги масала – 2023 йилда тайёр маҳсулотлар экспортини қўшимча 4 миллиард долларга ошириш асосий мақсадимиз бўлади.

Бу йил бошланган **“Янги Ўзбекистон — рақобатбардор маҳсулотлар юрти”** дастури ўз самарасини бермоқда. Бир йилнинг ўзиде 2 мингга яқин тадбиркорлар илк бор ташки бозорларга чиқди.

Келгуси йилда ҳам экспорт қилувчиларга транспорт ва бошқа харажатларини компенсация қилиш давом эттирилади.

Европа бозорларига текстиль, электр техникаси, чарм-пойабзал ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспортини камида 2 баробар оширамиз. Маҳсулотлар экспорти бўйича ҳозирги 9 та босқичдан иборат божхона расмийлаштируви 3 баробар қисқаради.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича асосий музокараларни якунлаб, ички қонунчиликни мослаштириш, янги стандартларни жорий этиш ишларини жадаллаштирамиз.

Умуман, 2023 йилда экспорт ҳажми тарихимизда илк бор 23 миллиард доллардан ортади.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Дунёдаги ҳозирги мураккаб шароитда очиқ ва прагматик, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган ташқи сиёсатни изчил давом эттирамиз.

Бундан кейин ҳам асосий эътиборимизни Марказий Осиёдаги барча қўшни мамлакатлар ва дунёдаги стратегик шерикларимиз бўлган давлатлар, халқаро ташкилотлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтиришга қаратамиз.

Миллий хавфсизликни таъминлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини ошириш борасидаги ишларимизни янги босқичга олиб чиқамиз.

Шу ўринда депутат ва сенаторларимиз, маҳалла, нуруний, хотин-қизлар ва ёшлар фаолларига, бутун халқимизга қарата айтмоқчиман: энг бебаҳо олий неъмат – тинчлигимиз ва осойишталигимизнинг қадрига етайлик, оилаларимиз, фарзандларимиз, келгуси авлодларимизнинг бахту камоли учун бу улғу бойликни асраб-авайлайлик!

Шу мақсадда биз ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг она юртга меҳри ва садоқатини

оширишга янада кўпроқ аҳамият беришимиз керак.

Ёш авлодимизни ана шундай баркамол, эл-юрт учун фидойи инсонлар қилиб тарбиялашда биз муҳтарам нурунийларимизга таянамиз.

Ҳаётимизнинг файзу фаритаси бўлган дуоғўй отахон ва онахонларимизнинг сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклаш, уларга маҳалла ва жамоат масканларида қўшимча шароитлар яратишни давом эттирамиз.

Миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистонни ўзининг Ватани деб биладиган, унинг равнақи учун ҳисса қўшиб келаётган ҳар бир фуқаро бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва ардоғида бўлади.

Миллатлараро дўстлик, диний конфессиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ижтимоий бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Лекин такрор айтаман, муслмон умматига сабоқ берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк уламолар етишиб чиққан бизнинг диёримизда бу борада адашганлар, радикализм ва экстремизм ғояларига берилганлар бўлиши мумкинми?

Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан заҳарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз.

Бунинг учун нафақат маъсул ташкилотлар, балки барчамиз биргаликда мукаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиқ бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларида иш олиб боришимиз зарур.

Бу муҳим масалада алоҳида Миллий дастур қабул қиламиз. Жамиятимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, маданият соҳасини ривожлантириш, илмий-ижодий ташкилотлар, муҳтарам зиёлиларимиз фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳам биз учун устувор йўналишлардан бири бўлади.

Биз қадимий ва бой тарихимизни, айниқса, ғоят оғир шароитда илм-маърифат, инсон

эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга, миллий қадриятларга меҳр ва садоқат ғояларини дадил кўтариб чиққан жадид болаларимиз фаолиятини янада чуқур ўрганишимиз лозим. Уларнинг улғу мақсадлар йўлидаги мардона қураши ва фидойилиги Янги Ўзбекистонни қуришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зарур.

Франциядаги машҳур Лувр музейида шу кунларда давом этаётган миллий кўргазма халқимизнинг ноёб тарихий мероси, бетакрор маданияти ва анъаналарига хорижда кизиккиш қанчалик юқори эканини кўрсатмоқда. Бундай тарихий ва маданий бойликларимизни ёшларимизга ва хорижий туристларга янада кенгрок таништириш, музейларни замон талабларига мослаштириш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади.

Қадрли юртдошлар!

Мана, сизлар билан биргаликда 2023 йил учун улкан мақсад ва вазифаларни белгилаб олдик. Албатта, дунёдаги ҳозирги мураккаб шароитда бу вазифаларни амалга ошириш осон бўлмайди. Лекин биз ўтган даврда катта билим ва тажриба тўпладик. Энг муҳими, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончимиз тобора ортиб бормоқда.

Шу боис, қанчалик қийин бўлмасин, танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Кўзлаган марраларимизга албатта етамиз. Бу йўлда нияти улғу, қалби пок, меҳнаткаш халқимизга таянамиз.

Бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, мен ишонаман, эл-юртимиз интилайтган Янги Ўзбекистонни албатта барчамиз биргаликда бунёд этамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ислохотларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётган, барча синовларни мардона енгиб, ўзининг фидокорона меҳнати билан жонажон Ватанимиз равнақиға бекиёс ҳисса қўшаётган мард ва олижаноб, бағрикенг халқимизга яна бир бор таъзим қиламан.

Барчангизни, бутун халқимизни кириб келаётган Янги йил байрами билан чин қалбимдан самимий табриклаб, сиҳат-саломатлик, файзу барака, оилавий бахт тилайман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Яратганинг ўзи барчамизни, Ўзбекистонимизни паноҳида асрасин!

МУНОСАБАТ



Мавлуда ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Тизимни тубдан яхшилаш бўйича давлат раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари қабул қилиниб, халқимизнинг соғлом ва узоқ умр кечиришини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада сўнгги беш-олти йилда тиббиёт соҳасида мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Бу саъй-ҳаракатлар асосида бугун юртимиз тиббиётидаги ижобий ўзгариш ва янгиланишларни мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз ҳаётида, турмуш

ОЛИС ВА ЧЕККА МАҲАЛЛАДА ИХЧАМ ТИББИЁТ ПУНКТЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Саломатлик ва ҳотиржамлик. Инсон учун бу икки неъматнинг қадри бениҳоя улуғ. Айниқса, тани соғлом, руҳи тетик одамгагина ҳаётнинг гўзаллиги ва қувончлари татийди.

тарзида чуқур ҳис этаётир. Зеро, охириги беш-олти йилда юртимизда тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар қайта номланган ҳолда фаолияти янги босқичга кўтарилди. Лекин замон ўзгаргани, ривожлангани сари ушбу йўналишда ҳам янги ислохотларга қўл уриш эҳтиёжи сезиляпти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида халқимизнинг малакали ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари янада кенгайтирилишини айтиб, бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми қонун билан белгиланиши, ажратилаётган маблағлар

хар бир беморга етиб бориши учун давлат тиббий суғуртасига ўтиш тезлаштирилишини қайд этди. Келгуси йили бу тизим Тошкент шаҳрида бошланиб, босқич-ма-босқич бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилинади. Соғлом овқатланиш рақибига доир тавсиялар одамларга етказилмаётгани, турли ёшдаги кишилар учун жисмоний машқларни ўргатиш ишлари йўқлиги боис, “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” янги умуммиллий ҳаракати маҳалладан бошланади. Энг муҳими, келгуси икки йилда ҳар бир оилавий поликлиника ва шифокор пунктига энг керакли ускуна ва жиҳозлар етказиб берилади, экспресс лабораториялар тўлиқ янгиланади.

Кейинги йили қўшимча 140 та оилавий шифокор пункти ва поликлиникалари, 520 та олис ва чекка маҳаллада ихчам тиббиёт пунктлари ташкил этилиши эса аҳолининг узоғини яқин қилиш баробарида, уларни сифатли тиббий хизматдан фойдаланишига замин яратади. Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Кейинги йилларда юртимизда айна мақсадга қаратилган туб ислохотлар амалга оширилди. Эндиликда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича уч йиллик катта дастур амалга оширилиши энг тўғри ва оқилона қарор бўлди.

Бу жараёнда барча туғурук комплекслари тўлиқ таъмирланиб, жиҳозланган ҳолда ўринлар сони 35 фоизга кўпайтирилиши инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган изчил ислохотлар самарадир.

ЎҚИТУВЧИНИ ЎЗ ВАЗИФАСИГА АЛОҚАДОР БЎЛМАГАН ИШЛАРГА ЖАЛБ ЭТГАН ҲУДУД РАҲБАРИГА КЕСКИН ЧОРА КЎРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси барча юртдошларимиз, кенг жамоатчилик ҳамда халқаро кузатувчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзи аввалида мамлакатимиз миллий ривожланишининг янги даврига дадил қадам қўйиб, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бераётганини алоҳида таъкидлар экан, 36 миллионлик халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун олиб борилаётган муҳим чоралар эндиликда ҳам жадал давом эттирилишини айтиб ўтди. Мурожаатномада инсон қадри ва унинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор мақсадларидан бири эканлигига урғу берилиб, “аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат” деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, қундалик ҳаётимизга ҳам чуқур сингдиришимиз кераклиги, бунда энг аввало, таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш, фарзандларимизнинг халқаро стандартлар асосида билим олишларини таъминлаш бугунги куннинг муҳим талаби эканлиги қайд этилди. Мазкур фикрларга ҳамоҳанг равишда давлатимиз раҳбари томонидан кириб келаётган 2023 йилга мамлакатимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”, деб ном берилиши, аминманки, барча юртдошларимиз томонидан катта хурсандчилик билан қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари нутқида таъкидланганидек, 2023 йилдан бошлаб юрти-

миздаги умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида мутлақо янги методика асосида яратилган дарсликлар бўйича ўқитиш йўлга қўйилади. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан танлаб олинган 1 тадан, жами 14 мактабда ҳам халқаро таълим тизимини тажриба-синов тариқасида жорий этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. “Замонавий жамият учун замонавий таълим” шиори асосида бошланган мазкур ташаббус доирасида ўқувчиларнинг аниқ ва табиий фанларни пухта ўзлаштириш ва олган билимларини ҳаётда қўллай олиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган электрон дарслик ва дастурлар, болаларни муаммони ҳал этиш ва зарур ҳулосага келишга ундовчи турли ўйин шаклидаги методик ишлар мазкур халқаро таълим йўналишининг асосини ташкил этади.

Мурожаатномада таълим жараёнлари ва ўқувчиларнинг замонавий талаблар асосида таҳсил олиш шартлари хусусида фикр юритилар экан, ўқитувчиларнинг макomini, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, ушбу мезонни Конституцияда алоҳида белгилаш зарурлигини таъкидлаб ўтилди. Албатта, бугунги кунда таъ-

лим муассасалари ўқитувчиларини ўз вазифасига алоқадор бўлмаган турли ишларга жалб этиш, улар зиммасига ортикча вазифалар юклатилиши олдини олиш бўйича Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳудудий ҳокимликлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда кескин чоралар кўрилмоқда. Айтилганидек, 2023 йилда юртимизнинг белгиланган ҳудудларида 70 та янги мактаб бинолари қурилади ва улар замонавий ўқув жиҳозлари ва қўшимча мебеллар билан таъминланади. Мавжуд 460 та умумтаълим мактабларини кенгайтириш натижасида уларга тегишли бўш ер майдонларида янги ўқув бинолари қад ростлайди. Дарҳақиқат, қайд этиш лозимки, жорий йилда тегишли давлат дастурлари асосида 791 та ва “Очиқ бюджет” платформаси орқали 873 та умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 120 мингдан ортик ўқувчи ўрни яратилди. Таълим бериш учун зарур моддий-техник базани мустаҳкамлаш борасида охириги тўрт йил давомида 166 та мактаб биноси қурилди, 2 минг 433 та мактаб



Бахтиёр САЙДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазири

биноси қайта реконструкция қилинди ва таъмирланди. Мазкур таълим муассасаларидаги 1 минг 965 та замонавий компьютер синфхоналарига халқаро молия институтлари ҳамда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 26 минг дона компьютер жамланмалари етказилди.

Мурожаатномада келтирилган яна бир муҳим жиҳатлардан бири сифатида мамлакатимиздаги барча мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари учун бепул овқатланиш тартибининг жорий этилиши халқимиз томонидан катта қувонч билан қабул қилинди.

Президентимиз ўз нутқида жорий йил бошидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги мактаблар бошланғич синф ўқувчилари учун жорий этилган мазкур амалиёт давомида катта тажриба тўплангани ва уни бутун республика миқёсида амалга ошириш учун келгуси йилда 2,3 триллион сўм ажратилишини маълум қилди. Албатта, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йил давомида Қорақалпоғистон Республикасидаги 726 та умумтаълим мактабида таҳсил олаётган 139 минг 374 нафар ҳамда Хоразм вилоятидаги 549 та умумтаълим мактабида таҳсил олаётган 134 минг 315 нафар бошланғич синф ўқувчиларининг бепул овқатланиши ташкил этилди.

МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Президентимиз Шавкат Миромонович мурожаатномаларида 2023 йил «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб эълон қилинганлиги юртимизда инсон қадри ва шаънининг улуғлиги, давлат раҳбарининг одилона сиёсатлари ва ислохотлар негизидан фақат ва фақат инсон қадри доимий эътибор ва эътирофдалигини кўриш мумкин. Юртбошимиз иш жараёнларига киришган илк кундаёқ 2 та муҳим таомилни белгилаб олдилар. Биринчиси юрт тинчлиги бўлса, иккинчиси инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш бўлди.

учун” очик мулоқот ўтказдилар, 26 октябрь ва 12 декабрь кунни ҳам соҳа мутахассислари билан учрашиб тизим олдида турган муаммоларга ечим топиш ва тараққиётга ҳисса қўшиш учун вазифа ва топшириқларни белгилаб бердилар.

Президентимиз халқнинг малакали ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш тўғри-

сида фикр билдириб, бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми қонун билан белгиланиши, ажратилаётган маблағлар ҳар бир беморга етиб бориши учун давлат тиббий суғуртасига ўтишни тезлаштирилиши тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Президентимиз кейинги йили қўшимча 140 та оилавий шифокор пункти ва поликлиникалари, 520 та олис ва чекка ҳудудларда маҳал-

лада ихчам тиббиёт пунктлари ташкил этилишини маълум қилдилар, айниқса оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича уч йиллик катта дастур амалга оширилиши, барча туғурук комплекслари тўлиқ таъмирланиши ва жиҳозланиши, ўринлар сони 35 фоизга кўпайтирилишини алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Инсон ҳаёти давомида соғлом турмуш тарзига риоя қилса, унинг саломатлиги гаровидир, тўғри овқатланиш қоидаларига амал қилса узоқ умр кўриш гаровидир. Шу ўринда хурматли Юртбошимиз “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” янги умуммиллий ҳаракати маҳалладан бошланади дедилар. Ушбу мурожаатномани тинглар эканмиз, ҳар биримиз масъулиятни чуқур, теран англаган ҳолда ўз олдимизга мақсад ва режаларни белгилаб олдик.



Маъмурахон САФОЕВА
Бухоро вилоят ҳокимлиги соғлиқни-
сақлаш бошқармасининг бош мутахассиси

Аҳоли саломатлигини асраш ва муҳофаза қилиш йўлида муҳим бўлган, қатор фармон ва қарорларни имзоладилар. Жорий йилнинг 18 март кунни шахсан ўзлари тиббиёт ходимлари билан “Инсон қадри

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ



**Янги 2023 йил барчангизга
катта имкониятлар ва
истиқболлар даври бўлсин!
Ҳар бир хонадонга фаровонлик
ва муваффақият, бахт ва
омад олиб келсин!**

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

**Юртимизга кириб келаётган «Янги
йил» байрами муносабати билан Сизга
келгуси ишларингизда ҳамиша омад
кулиб боқишига тилакдошмиз! Сизга
ҳар доим ҳам яқин инсонларингизнинг
меҳр-оқибатларидан мушарраф бўлиш
бахти насиб этсин. Оилангизда ҳар доим
тинчлик-хотиржамлик, ўзаро меҳр-
оқибат туйғулари ҳукмрон бўлсин!**




САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Чин қалбимиздан «Янги йил» байрами муносабати билан сизларни муборакбод этамиз! Хонадонингиздан чексиз қувонч, дастурхонингиздан тўкин-сочинлик, қувончли кунларингизда хонадонингиздан меҳмонлар аримасин. Омад, муваффақият ва тўкин-сочинлик ҳаётингизда чин маънода йўлдош бўлишини тилаб қоламиз!




ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Янги йил байрами билан табриклаб, Сиз учун ушбу йил умидли ва баракали йиллардан бири бўлиб қолишида ҳамда ушбу йилда улкан муваффақиятларга эришишингизда тилакдошмиз. Ҳаётингиз доим мазмунли ва қизиқарли бўлишини, бахтли лаҳзаларда ҳамisha бола ҳамда дўстлар даврасида бўлишингизни, чексиз бахт, саломатлик ва барака сизни тарк этмаслигида тилакдошмиз!




БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Ушбу Янги йил байрами муносабати билан Сизга чин қалбимиздан оилавий бахт, тинч-тотувлик ва фаровон ҳаёт насиб этишини ҳамда қувонч, бахт-саодат хонадонингизнинг абадий меҳмониغا айланишини тилаб қоламиз! Янги йил байрамингиз қутлуғ бўлсин!




ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Қадрли дўстлар! Сизларни «Янги йил» байрами муносабати билан самимий табриклаб, оилангизда ҳар доим файзу-барака, саломатлик, тинчлик ва хотиржамлик ҳукмрон бўлишида тилакдошмиз! Чехрангизни қувонч ва табассум асло тарк этмасин!

САМАРҚАНД-2020" ТИББИЁТ ОЛИЙГОҲЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ III ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДАСИ

БУ МАЙДОН ИЧРА КУРАШМОҚ ОСОН ЭМАС...

Куни кеча Самарқанд давлат тиббиёт университетида "Самарқанд-2020" тиббиёт олийгоҳлари талабаларининг III Халқаро олимпиадаси бўлиб ўтди. Мазкур халқаро талабалар олимпиадасида Польша, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Украина, Беларусь, Туркия ва Озарбайжон республикаларидан 76 та тиббиёт олий ўқув юртларининг 120 дан ортиқ профессор-ўқитувчилари ва 3000 дан ортиқ талабалар онлайн ва анъанавий тарзда иштирок этишди.

тиббиёти", "Педиатрия", "Акушерлик ва гинекология", "Терапевтик стоматология", "Ортопедик стоматология", "Хирургик стоматология ва юз-жағ хирургияси", "Болалар стоматологияси", "Оториноларингология" йўналишлари бўйича ўз билим ва кўникмаларини синовдан ўтказдилар. Олимпиада ғолиблари ва фаол иштирокчилар 1, 2, 3 даражали дипломлар ҳамда турли номинациялар бўйича тақдирлан-



"Самарқанд-2020" тиббиёт олийгоҳлари талабаларининг III Халқаро олимпиадасининг тантанали очилиш маросимида Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятов, Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори Жасур Ризаев, Абу Али ибн Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети ректори Махмудшоҳ Курбонали Гулзода (Душанбе, Тожикистон), Ижевск давлат тиббиёт академияси ректори Алексей Шкляев (Ижевск, РФ), Соғлиқ билимлари университетининг Евросиё соғлиқни сақлаш ва ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот маркази директори Фейзиўғлу Айнур (Истанбул, Туркия), "Анатомика" журнали бош муҳаррири Барно Икрамова, Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети ректори Дмитрий Иванов (Санкт-Петербург, РФ), "ХРВ — симуляцион" директори Арнауд Соссон (Франция) ва бошқалар сўзга чиқиб, ушбу нуфузли, кенг ау-

ва СТАРТ-УП лойиҳалари танлови ўтказилди. Иштирокчилар офлайн ва онлайн тарзда 70 та секцияда 35 та йўналиш бўйича, шу жумладан "Одам анатомияси", "ОХТА", "Физиология", "Патологик физиология", "Патологик анатомия", "Суд тиббиёти", "Тиббий мулоқотда инглиз тили", "Тиббий биология", "Гистология, патология ва эмбриология", "Микробиология", "Тиббий кимё", "Биологик кимё", "Фармакология", "Тиббиёт тарихи, био-



риш билан кифояланмасдан, амалий кўникмаларини бойитиш ҳамда симуляторларда намоиш этиш билан иштирок этишди. Иштирокчилар офлайн ва онлайн тарзда 70 та секцияда 35 та йўналиш бўйича ўз билимларини намоиш қилдилар. Албатта, бу каби кенг аудиториядаги халқаро олимпиадаларимиз талабаларимизнинг иқтидорини янада ошириш, тиббиётда рақобатбардошликни ривожлантириш, шунингдек, замонавий тиббиёт билимларини чуқур ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Халқаро олимпиадамизда иштирок этган хорижий давлатларнинг профессор-ўқитувчилари, коллаверса, таклиф этилган ҳакамлар хайъати аъзолари иштирокчиларни талабаларининг иқтидорига муносиб баҳо беришди. Бир сўз билан айтганда, билимли, зукко талабаларимиздан умидимиз катта.

нари равишда топширди. **Жасур РИЗАЕВ, Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, профессор:** –Эътирофлиси шундаки, "Самарқанд-2020" тиббиёт олийгоҳлари талабаларининг III Халқаро олимпиадаси ниҳоятда нуфузли ва кенг аудиторияда ўтказилди. Аввало, шуни айтиб ўтишим муҳимки, илкор тиббиёт олийгоҳлари талабаларининг биринчи халқаро олимпиадаси пандемия даврига тўғри келганлиги сабабли, ўша пайтда онлайн тарзда 500-600 нафар талабалар иштирок этган эди. Мана бугунга келиб, III Халқаро олимпиадада иштирокчи талабалар сони 3000 тага етди. Бу йилги олимпиадада 10 та давлатнинг 76 та тиббиёт олий ўқув юртларидан профессор-ўқитувчилари ва 3000 дан ортиқ талабалар онлайн ва анъанавий тарзда қатнашишди. Ҳакамлар хайъати ҳам барча хорижий давлатлардан таклиф қилинди. Аҳамиятлиси шунда бўлдики, талабалар назарий билим ва тестларни топши-



нали равишда топширди. **Жасур РИЗАЕВ, Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, профессор:**

–Эътирофлиси шундаки, "Самарқанд-2020" тиббиёт олийгоҳлари талабаларининг III Халқаро олимпиадаси ниҳоятда нуфузли ва кенг аудиторияда ўтказилди. Аввало, шуни айтиб ўтишим муҳимки, илкор тиббиёт олийгоҳлари талабаларининг биринчи халқаро олимпиадаси пандемия даврига тўғри келганлиги сабабли, ўша пайтда онлайн тарзда 500-600 нафар талабалар иштирок этган эди. Мана бугунга келиб, III Халқаро олимпиадада иштирокчи талабалар сони 3000 тага етди. Бу йилги олимпиадада 10 та давлатнинг 76 та тиббиёт олий ўқув юртларидан профессор-ўқитувчилари ва 3000 дан ортиқ талабалар онлайн ва анъанавий тарзда қатнашишди. Ҳакамлар хайъати ҳам барча хорижий давлатлардан таклиф қилинди. Аҳамиятлиси шунда бўлдики, талабалар назарий билим ва тестларни топши-

нари равишда топширди. **Жасур РИЗАЕВ, Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, профессор:**

–Эътирофлиси шундаки, "Самарқанд-2020" тиббиёт олийгоҳлари талабаларининг III Халқаро олимпиадаси ниҳоятда нуфузли ва кенг аудиторияда ўтказилди. Аввало, шуни айтиб ўтишим муҳимки, илкор тиббиёт олийгоҳлари талабаларининг биринчи халқаро олимпиадаси пандемия даврига тўғри келганлиги сабабли, ўша пайтда онлайн тарзда 500-600 нафар талабалар иштирок этган эди. Мана бугунга келиб, III Халқаро олимпиадада иштирокчи талабалар сони 3000 тага етди. Бу йилги олимпиадада 10 та давлатнинг 76 та тиббиёт олий ўқув юртларидан профессор-ўқитувчилари ва 3000 дан ортиқ талабалар онлайн ва анъанавий тарзда қатнашишди. Ҳакамлар хайъати ҳам барча хорижий давлатлардан таклиф қилинди. Аҳамиятлиси шунда бўлдики, талабалар назарий билим ва тестларни топши-



дилар. Халқаро олимпиада доирасида Самарқанд Давлат тиббиёт университети талабалари учун чет эллик ва республикамизнинг етакчи мутахассислари томонидан замонавий тиббиётда фундаментал фанлар, илмий тадқиқот усуллари, педиатрия ва стоматологиянинг долзарб масалаларига бағишланган 18 та мастер-класс ўтказилди.

Шу куни Туркиянинг Соғлиқ билимлари Университетининг Евросиё соғлиқни сақлаш ва ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот маркази директори Фейзиўғлу Айнур хонимга университет илмий кенгаши қарорига кўра, Самарқанд давлат тиббиёт университетининг профессори фахрий унвони берилди. Ушбу унвонни Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори Жасур Ризаев танта-

диториядаги халқаро олимпиаданинг мақсад ва моҳияти ҳамда чинакамига заковатли билимлар уммонида эртанги дунё тиббиётининг мустақам пойдевори ётганлигини эътироф этиб, олимпиада иштирокчиларига омадлар тилашди.

Тадбир доирасида ёш олимларнинг илмий ишлари

етика", "Хирургия", "Нейрохирургия", "Болалар хирургияси", "Травматология ва ортопедия", "Анестезиология ва реаниматология", "Ички касалликлар, "ички касалликлар пропедевтикаси", "Юқумли касалликлар", "Неврология", "Урология", "Радиология", "Онкология", "Офтальмология", "Спорт

Туркиянинг Соғлиқ билимлари Университетининг Евросиё соғлиқни сақлаш ва ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот маркази директори Фейзиўғлу Айнур хонимга университет илмий кенгаши қарорига кўра, Самарқанд давлат тиббиёт университетининг профессори фахрий унвони берилди.

Албатта, улар келгусида тиббиёт фани ва унинг юксалишида, инсонлар саломатлигини асраш йўлида астойдил хизмат қила оладиган мутахассислар бўлиб этишишади. Бундай нуфузли халқаро олимпиада янада бардавом бўлишига ишончим комил.

Алишер Шодмонов, Тошкент тиббиёт академияси ректори:

– Самарқанд давлат тиббиёт университетида "Самарқанд-2020" тиббиёт олийгоҳлари талабаларининг III Халқаро олимпиадаси ниҳоятда кўтаринкилик руҳида бўлиб ўтди. Қувонарлиси шундаки, 10 та давлатдан уч мингдан ортиқ талабаларнинг иштирок этиши, бу албатта

САМАРҚАНД-2020" ТИББИЁТ ОЛИЙГОҲЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ III ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДАСИ

БУ МАЙДОН ИЧРА КУРАШМОҚ ОСОН ЭМАС...



келгусида ҳар бир давлат тиббиёт раёқанининг ривожланишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади. Кенг аудиторияда ўтказилган ушбу нуфузли халқаро олимпиада ёш тиббиётчиларни бир жойда жамлаб, уларнинг иқтидори, илмий салоҳият бобидаги изланишлари ва амалий кўникмаларини бойитишда катта мактаб вазиасини ўтади десам хато бўлмайди. Айниқса, иштирокчи талабаларнинг тест синовлари, назарий билимлари ва амалий кўникмалари бўйича синовлардан муваффақиятли ўтганликлари, ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳамда профессор ўқитувчиларининг диққатини ўзига жалб этди. Шунини айтиб ўтишим лозимки, талабаларимизнинг бундай муваффақиятларга эришишларида, албатта, профессор ўқитувчилар ва педагогларнинг ҳиссаси ҳам катта деб биламан. Бизнинг Тошкент тиббиёт академияси жамоаси ҳам умумий жамоадаги 10 нафар иштирокчидан 8 нафари 1,2,3-ўринларни ва 2 нафари номинацияларда ғолиб бўлди. Бундан ташқари, онлайн иштирок этган талабаларнинг 10 нафардан ортиғи фахрли ўринларни эгаллади. Иқтидорли талабаларимиз томонидан эришилган ушбу ютуқлар бу албатта, таълим даргоҳимизнинг фахридир. Ана шундай мақсадли, нуфузли халқаро анжуманларда билим учун курашининг ўзи бўлмайди. Хулоса ўрнида айтмоқчиманки, бундай юқори даражада ўтказилган халқаро олимпиада ўзининг қимматини ҳеч қачон йўқотмайди. Унинг нуфузи ва аҳамияти бардавом бўлиб мамлакатимиз тиббиёти учун етук кадрларни тайёрлашда дастурамал бўлиб хизмат қилишига ишончим комил.



кафедра мудири, Суд тиббиёти йўналиши бўйича ҳакамлар ҳайъати аъзоси:

– Мен учун бу халқаро олимпиадада ҳакамлар ҳайъати бўлиш катта маъсулият ва фахр бўлди. Мазкур олимпиада кенг аудиторияда ўтказилди. Барча тиббиёт соҳасидаги талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари синовдан ўтказилди. Шу нарсага амин бўлдимки, ушбу нуфузли даражадаги халқаро анжуманда тиббиёт олийгоҳларининг иқтидорли талабалари иштирок этишди. Қувонарлиси шундаки, уларнинг заковатли билимлари ҳар бир давлатнинг тиббиёти учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилишига ишончим комил.

Азмил Мазли, Малайзия, университет клиникасининг бош шифокор:

– Мазкур 3-халқаро олимпиада юқори даражада ташкил этилган, мен бу халқаро олимпиадада ҳакамлар ҳайъати бўлиб иштирок этдим. Олимпиада ҳар томонлама, эътиборли тарзда ташкил этилган. Айниқса, беллашувда иштирок этган талабаларнинг билим ва илмга ташналиги, изланиши мени бефарқ қолдирмади. Ниҳоятда мақсадли ўтказилган ушбу халқаро олимпиада ўз нуфузига эга бўлди десам, янглишмайман. Кейинги йилда ўтқа-

зиладиган халқаро олимпиадада, Малайзиядан иштирокчиларимиз билан фаол қатнашамиз деган хулосага келдим.

Беленова Ирина Александровна, профессор, Воронеж давлат тиббиёт университети:

– Мен авваломбор ана шундай кенг аудиториядаги ва нуфузли халқаро анжумани ташкил этган ҳамда мени ҳакамлар ҳайъати сифатида таклиф қилган Самарқанд давлат тиббиёт универси-

тўғрисида билар эдим. Лекин, бу заминни ўз кўзим билан кўргач, лол қолдим десам, муболага бўлмайди. Шаҳарнинг гўзаллиги, инсонларининг самимийлиги, тарихий обидалари, тозаллиги ҳамда бетакрор табиат манзаралари эътиборимни тортди. Халқаро Олимпиада Самарқанд давлат тиббиёт университетининг янги биносида бўлиб ўтди. Биринчи навбатда университетда ўқийдиган талабаларга ҳавасим келди, чунки ўқиш учун барча шароит ва имкониялар яратилганини кўриб жуда хурсанд бўлдим. Иқтидорли талаба сифатида кўплаб турли хилдаги форум ва олимпиадаларда қатнашганман. Аммо бунақа нуфузли даражада ўтказилган олимпиадани биринчи марта кўрдим ва ана шундай кенг аудиторияда бўлиб ўтган, билимлар синовида иштирок этганлигимдан фахрландим. Иштироким давомида “Тиббиёт тарихи. Биоэтика” йўналишида 1-чи ўрин дипломи ва статуетка билан тақдир-

ландим. Келгуси йил ҳам навбатдаги олимпиадага қатнашиш ниятим бор. Шу билан бирга мазкур университетнинг талабалари билан доимий ҳамкорликда бўлмоқчиман. Шу ўринда Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, профессор Жасур Ризаев ҳамда барча ташкилотчи ва жюриларга ўз дил изҳоримни йўлламан.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, Тошкент тиббиёт академияси жамоаси ҳам умумий жамоадаги 10 нафар иштирокчидан 8 нафари 1,2,3-ўринларни ва 2 нафари номинацияларда ғолиб бўлди. Бундан ташқари, онлайн иштирок этган талабаларнинг 10 нафардан ортиғи фахрли ўринларни эгаллади. Жумладан, Шаҳзод Шамсиев ёш олимларнинг илмий ишлари йўналишида "За вклад развитие технологичной медицины" номинацияси, Зебунисо Турсунова акушерлик ва гинекология фанидан 1-ўрин, Маржона Қиёмова анатомия фанидан "Слинисал тхинкин" номинацияси, Моҳинур Жуманазарова хирургия фанидан "Риторика" номинацияси, Мавзода Юнусова Неврология фанидан 3-ўрин, Диёра Турсунбайева ички касалликлар фанидан 3-ўрин, Евгения Болунсо радиология фанидан 3-ўрин, Моҳинурбону Хурсанова инглиз тили фанидан 2-ўрин, Лола Холмуродова тиббий кимё фанидан 2-ўрин, Шоҳрух Абдуҳамидов гистология фанидан 3-ўрин, Саъдулла Абдушукуров суд тиббий экспертиза фанидан 2 ўрин ғолиблигини қўлга киритишди.



тети ректори, профессор Жасур Ризаевга ўз миннатдорлигимни билдираман. Бир сўз билан айтганда халқаро олимпиада ниҳоятда кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Талабаларнинг билим даражаси одилона баҳолаб борилди. Айниқса, талабаларнинг билими, илми ҳамда янгиликлар сари интилиши, изланиши мени қувонтирди. Уларнинг ҳар бири келгусида ўз мамлакатининг тиббиёт соҳасидаги етук олимлари бўлишига қаттиқ ишонч билдириб қоламан.

Карина Узебова, Башкир давлат тиббиёт университети 4 босқич талабаси, иштирокчи:

– Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Бизни аэропортда чиройли қилиб кутиб олишди. Самарқанд шаҳри бўйлаб, манзилга қараб борар эканмиз, бу тарихий шаҳар



Нуфузли даражада бўлиб ўтган “Самарқанд-2020” тиббиёт олийгоҳлари талабаларининг III халқаро олимпиадаси ёш олимлар ва талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш, салоҳияти ва илмий изланишларидан самарали фойдаланиш, фундаментал ва клиник фанлар ўқитиш сифатини янада ошириш, мамлакатимизда тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш ҳамда халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

ЭЪТИРОФЛАР:

Московский Сергей Николаевич, Омск давлат тиббиёт университети доценти, тиббиёт фанлари номзоди,

ОНАИЗОРНИНГ ҚАЛБИДАГИ НИДО

Талаба қиз дардидан хабар топган Соғлиқни Сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятов куни кеча Тошкент тиббиёт академиясининг 2-клиникасига ташриф буюрди.

Онаизорнинг ички нидосига кулоқ тутар экансиз, беш ойдан буён гулдек фарзандининг кўз олдида оғир дардга чалинганлигини кўз ёшлари билан ифода этганида бағри дилингиз эзилиб кетади. Нигина Садуллаева аслида Навоий вилоятида таваллуд топган. Ҳозирда талаба. Негадир, шу пайтгача тиббиёт ходимлари томонидан Нигинанинг касаллигига тўғри ташхис қуйилмади? Дард азобидан кийналган Нигина озиб кета бошлади. Ҳатто, юриши ҳам чекланди. Онаизорнинг айтишига қараганда керакли даво муолажалар қилинишига қарамай, саломатлигида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Айни пайтда Нигина Тошкент тиббиёт академиясининг 2-клиникасида

даволанмоқда. Куни кеча Нигинанинг ҳолидан хабар олгани Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятов ушбу клиникага ташриф буюрди. Вазирнинг биринчи ўринбосари талаба қизнинг нафақат касаллик ривожланиш сабаблари, оилавий шароити, иктисодий аҳволи ва ўқишлари билан ҳамқизиқди. Даволашда иштирок этаётган тиббиёт ходимларини йиғиб, ҳар бирининг фикри ва қўйган ташхисини сўраб олди. Шунингдек, касаллик тарихномасидаги лаборатория кўрсаткичларига ўрганиб чиқди.

Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятов талаба қизни даволашда барча замонавий имкониятлардан фойдаланиш, керак бўлса телемедицина орқали

хорижлик ҳамкасблар билан маслаҳатлашиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, хорижий давлатлардан малакали мутахассисларни ҳам жалб қилиш таклифини билдирди. Бундан ташқари беморни даволаш имкониятлари давлат ҳимоясига олиниши ва барча даво муолажалари давлат томонидан таъминланиб берилиши ҳам таъкидлади. Онаизорнинг фикрларига қараганда Нигина ушбу шифо масканига келиб даволанаётганидан буён оз бўлсада ўзгариш борлигини айтди. Ҳа, шифокорларнинг фикрига қараганда бемор келганида оғир аҳволда бўлган. Бошланган даво муолажалардан сўнг аста секинлик билан кўзларини очиб, елка қисмлари ҳаракатлана бошлаган. Онаизор кўзларига ёш олиб, фарзандидаги ўзгаришларни кўриб, яшашга бўлган умидлари ошганини айтди. Куни кеча Вазирнинг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев-



нинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида билдирган фикрларига тўхталиб, навбатдаги йилининг "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" этиб номланганини ва унинг замирида инсонларнинг саломатлиги ҳамда қадри ётганлиги, шу билан бирга сифатли таълим яъни ёшларимиз учун кенг имкониятлар мужассам эканлигини таъкидлаб ўтди.

Ва бу албатта, "Ўзбекистон тиббиёти—инсон қадри учун" тамойилининг мантиқий давоми эканлигини айтиб, Нигинанинг тузалиб кетиши ва курсдошлари сафига қайтишига умид билдирди.

Ибодат СОАТОВА.

ХОРИЖГА САФАР

ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДИ ЭКАНЛИГИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Жорий йилнинг 22-26 ноябрь кунлари Россия Федерациясининг Калининград шаҳрида жойлашган Имануил Кант номидаги Балтика федерал университетиде хизмат сафариде бўлиб қайтдим. Ушбу нуфузли олийгоҳда бўлишимдан мақсад, у ердаги талабаларга долзарб мавзуларда маърузалар тақдим этдим.

Мазкур ташриф Имануил Кант номидаги Балтика Федерал Университети ўртасидаги академик ва илмий ҳамкорликни мустаҳкамлаш лойиҳаси доирасида амалга оширилди. Имануил Кант номидаги Балтика федерал университети Фарбий Европани етакчи олийгоҳларидан ҳисобланади, QS University Rankings агентлигини Top-200, Round University Ranking рейтингиде 721-ўринни эгаллаб келмоқда.

Асосий маърузам Шаркнинг буюк олими, файласуф ва табобат илмининг султони Абу Али Ибн Синонинг (Европада - Авиценна) ҳаёти, илмий фаолияти ва унинг соғлом турмуш тарзи ҳақидаги концепцияси, "Шифокор ва беморларнинг ҳуқуқ ва бурчларини таъминлаш концепцияси асослари" га бағишланди. Маъруза дои-

расида тиббиёт ходимларнинг касбга алоқадор этикаси, до-ридармон, умуман давонинг таъсирини оширишга қаратилган тамойиллари, деонтология, халқаро тажрибадан мисоллар, Женева декларацияси, шифокорларнинг қасамёди, Гиппократ қасамёди, турли хил норматив ҳуқуқий ҳужжатларга алоҳида эътибор қаратдим. Шунингдек, бу борада Ўзбекистон Республикаси тажрибаси тўғрисида ҳам чуқур маълумотлар бериб ўтдим. Олиб борган маърузаларим Балтика федерал университети талабалари ва профессор-ўқитувчилари томонидан юқори баҳола-ниб, эътирофли фикрлар бил-дирилди. Шу ўринда таъкид-ламоқчиманки, 2022 йил март ойида Самарқанд давлат тиб-биёт университети ва Имануил Кант номидаги Балтика феде-

рал университети ўртасида ме-морандум имзоланиб, мазкур олийгоҳнинг Самарқанд дав-лат университетининг ваколат-хонаси очилди. Жорий йил-нинг октябрь ойида эса универ-ситетимиз ва И.Кант номидаги Балтика федерал университети ўртасида тиббиёт соҳасида сунъий интелект имкониятла-рини жорий қилиш ва жигар-нинг юқумли касалликларини даволашда шахсийлаштирил-ган тиббий технологиялардан фойдаланишни ҳамкорликда ривожлантириш соҳалари бўй-ича келишувлар ҳам имзолан-ган эди.

Фахр билан айтишим жо-изки, кейинги йилларда Пре-зидентимизнинг халқаро ҳам-корлик фаолиятларга бўлган эътиборлари боис, биз педа-гоглар, қолаверса, иқтидорли талабаларимиз кўплаб хори-жий давлатларда бўлиб, ну-фузли анжуманларда, шунин-гдек, олимпиадаларда ишти-рок этиб, муваффақиятли на-тижаларни қўлга киритиб ўз-бекистонимизнинг жаҳонҳам-жамиятида ўз ўрни борлигига янада амин бўлмоқдамиз. Ай-никса, куни кеча бўлиб ўт-ган Ўзбекистон Республи-каси Президенти Шавкат Мир-



зиёвнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатно-маси ҳар биримизни чин дил-дан тўлқинлантирди.

Эътирофлиси шундаки, 2023 йилга "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб ном берилганлиги барчамизни қалбларимизга янада ишчанлик кайфиятини бахшида этди. Шундай экан, инсонлар қадр топган бу юртда яшашнинг ўзи катта бахтдир. Мен албатта, Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан ғурурланаман.

Азиза МАХМУДОВА.

Самарқанд давлат тиббиёт университети Ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедраси мудири фалсафа доктори (PhD).

МУЛОҲАЗА МУШОҲАДАГА ЧОРЛАЙДИ

Таниқли шоирларимиздан бири “Аждодлар хотирасини асраш, маърифатли кишилар қўлидан келади. Тарихни авайлаб – асраш кейинги авлодларга етказиш, болаларимиз номларини аниқлаб, ҳозирги ёш авлодга ва келажак авлодга етказиш ҳам савоблардан бири бўлса керак” деган эди. Ажаб эмаски, ушбу пурмаъно фикрлар бугунги мақоламизнинг мазмун моҳиятини очиб берса.

Маълумки, ҳозирги “Харакат таянч тизими касалликларини тиклаш республика болалар маркази” номини олган 2010 йилгача 53 йил давомида “4-болалар полиомиелит касалхонаси” деб юритилган. Шу сабабли мақолани республикада ягона бўлган бу шифохона масканининг ташкил этилиши тарихидан бошлашни лозим кўрдим. Полиомиелит касаллиги – эпидемик болалар фалажи инсоният тарихида минг йил-



Тўхтаб қолган янги бинонинг кўриниши.

лар давомида учраб келаётган энг “кекса” хасталиклардан ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида онда-сонда учраб, катта эпидемиялар кузатилмаган. XIX аср бошларига келиб, полиомиелит кенг тарқалган, давоси йўқ, олдини олиб бўлмайдиган ва шифокорлар учун катта муаммога айланди. Бу даврда Европанинг Англия, Италия каби ривожланган давлатлари ва Ҳиндистонда полиомиелитнинг клиник белгилари таърифланган дастлабки маълумотлар пайдо бўла бошлади. Аммо касалликнинг алоҳида Нозологик бирлик сифатида, биринчи хирург-ортопед Якоб Гейне таъриф берган. Касалликнинг юқумлигини биринчи марта 1908 йилда Ландштайнер ва Попперлар, ўлган бола орқа миясидан олинган материални маймуннинг қорин бўшлиғига юбориш билан касаллик чиқариб исботлаганлар. XX асрнинг 60 йиллари 1954 йилда Солк ва Сэбинлар уч компонентли, оғиз орқали юбориладиган вакцина ишлаб чиқариб кенг миқёсда амалиётга татбиқ этила бошланди. Ўзбекистонда полиомиелит касаллигини рўйхатга олиш 1926 йилда бошланган. 1959 йилга келиб касалланиш кўпая борганлиги сабабли, ўша йилнинг июль ойларида бутун республика вилоятларида ва Тошкентда 2 ойликдан 15 ёш-

ФАОЛИЯТНИ ТИКЛАНИШИДА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ЗАРУР



ятларидан, қўшни республикаларидан ҳам қабул қилинган. Вақт ўтиши билан янги муаммо касалларни ўқитиш масаласини ҳал этиш мақсадида 1962 йилда касалхона қошида 1-7 синфдан иборат мактаб очилган. Даволаш ишларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон ортопедия травматология институтининг тажрибали врачлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач Нина Исаева таклиф этилади. Касалхонанинг биринчи шифокорлари П. Тишина, Сюткина, Курнаев, Р. Мачина, Т. Каримов, А. Аб-



Бинонинг эски кўриниши.

дурахмоновлар ўзбекистонда бу соҳадаги биринчи шифохонанинг шаклланиши ва танилишига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Ўз вақтида заруриятдан келиб чиқиб, пионер лагерини учун қурилган бинолар хоналардаги печлар кўмири билан иситилган, иссиқ сув бўлмаган. 1989 йилда давр талаби ва имкониятдан келиб чиқиб касалхонага иситиш ва иссиқ сув тизимига уланган. Ҳар йили 500-600 нафар бола полиомиелитнинг асоратлари билан келиб даволанган. Даволашни жараёнида оёқлари ишламаслиги ҳаракатсизлиги оқибатида пайдо бўлган контрактураларни ёзиш ортопедик буюмлар ёрдамида юришга ўргатиш ишлари бажарилган. Сколиозни бор болаларга махсус корсетлар кийгизилган. Булардан ташқари нерв импульсларини мушакларга етказадиган дорилар, витаминлари берилган. Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда тадбиркорлик ривожланиб бориши натижасида бошланган ҳомийлик касалхонаси ҳам четлаб ўтмади. 1991 йилда Ўзбекистонда бирлашмаси касалхонага 5 та телевизор, кийим кечаклар совға қилди. ТашГРЭС касалхона ҳудудида эртак шаҳарчасини барпо этди. Мустақиллигимизнинг 1 йиллиги байрами муносабати билан ўтказиладиган тадбирда касалхонада даволанаётган 23 нафар болаларнинг хатна тўйи ўтказиш тўғрисидаги маъмурият таклифини Қибрай, Юнусов туманлари ҳокимликлари шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан маъқулланди. 1992 йил 23 августда касалхонада бу воқеага бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечада шаҳар даволаш рофлактика муассасалари раҳбарлари, Қибрай, Юнусов тумани ҳокимлари Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарияти ҳам иштирок этди. Дастурхон ёзилиб, катта қозонда ош дамлаб тарқатилди, саъяткорлар кечага фойз бағишланди. Ҳо-

мийлар тўй болаларга бош-оёқ сарпо қилдилар. Қибрай тумани ҳар бир болага омонат дафтарчаси очиб, бир минг сўмдан пул ўтказди ва от совға қилди. Касалхона ишлаб бошлагач, бинолар таъмирланди янги иморатлар қурилди тўқсонинчи йилларда 3 та ёзги мавсумда келадиганлар учун бино, клуб маъмурий бинолар қурилди. Ҳудуддаги дарахларни суғориш бассейнларни тоза сув билан тўлатиш мақсадида қудуқ қавлаб насос ёрдамида сув келтирилди. Қанча пардозланмасин эски бинолар янги бўлиб қолмади, даволанувчилар учун қўлай шароитлар яратилмади. Ўзбекистонда полиомиелит касаллиги тугатилиши ва бу турдаги касаллар келиши кескин камайиши сабабли, 2010 йилда касалхона соҳаси ўзгартирилиб – “Харакат таянч тизими касалликларини тиклаш республика болалар маркази”га айлантирилди. 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг марказнинг эски бинolari ўрнида уч қаватли 230 ўринга мўлжалланган янги биносини қуриш тўғрисида қарори қабул қилинди. Эски биноларнинг бир қисми сақланиб ўринлар сони 100 тага қисқартирилди.

Ватанимизда тиббиёт шиддат билан ривожланмоқда, янги тиббиёт муассасалари бунёд этилмоқда, энг янги замонавий анжомлар билан жиҳозланмоқда. Жумладан, буларнинг барчаси Юртбошимиз таъкидлаганидек, халқни рози қилиш учун амалга оширилаётган улкан ишларнинг бир бўлагидир. Болаларимизнинг соғлиқни тиклашга ихтисослаштирил-

ган, қўпдан бери қутилган, ҳар йили мингдан ортиқ болалар соғлиқни тиклаб, ҳаётга меҳнатга қайтарилган бу ноёб тиббий муассасанинг янги ҳаётини бошланиши муносабати билан бу юз ўрин ҳам тугатилиб, болалар яшаш уйларига руҳсат берилди. 2015 йилда бошланган қурилиш ишлари мунтазам давом этмаяпти. Сўнгги марта 2021 йилнинг май ойида тўхтаган танаффуснинг охири эса кўринмаяпти. Ўтган салкам саккиз йил ичида Ўзбекистонимизда улкан иншоотлар қурилишига туширилди, фақат Тошкент шаҳрининг ўзида болалар миллий тиббиёт маркази, 52-сонли оилавий поликлиника, шаҳар силга қарши диспансери, “Хумо” спорт майдони, Ғалаба боғи, янги Ўзбекистон боғи, ер усти метроси ва бошқа кўплаб янги бунёд этилган бинолар қурилиб ишга туширилди. Буларнинг олдида Ўзбекистонда ягона бўлмиш марказнинг қурилиши (тўғрироғи қурилиши тугатилиши) денгиздан бир томчидек туюлади. Бу томчининг ерга тушишини минглаб ота-оналар интизорлик кутмоқдалар. Зеро, улуг бобомиз Амир Темур айганидек: “Фарзандлари соғлом юрт кучли бўлур, буюк юртининг фарзандлари соғлом бўлур”!

Шунингдек, куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси тинглаб, эришилган ютуқлардан хурсанд бўлди. Муваффақият бор жойда камчиликлар бўлади деганларидек, Юртбошимиз бу тўғрида ҳам ўз фикрларини билдириб ўтдилар. Айниқса, 2023 йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номланиши ҳам бежиз танланмади. Мен бундан жуда хурсанд бўлдим. Сабаби, ушбу мақолани ёзиб турган бир пайтимида мен кўтарган муаммо кейинги йил номига уйғунлашиб кетди.

Демоқчи бўлганимки, ушбу тиббиёт муассасаси болаларимиз саломатлиги ва билим олишига қаратилган экан, умид қиламанки, 2023 йилда шифо масканида тўхтаб қолган ишлар давом этади. Мутасадди раҳбарлар бу эзгу мақсадли ишларга жиддий қарайдилар, деган мақсадда сўзларимга яқун ясайман.

Йўлдош КАРИМОВ,
Тошкент шаҳри, тиббиёт фахрийси,
соғлиқни сақлаш аълочиси.

• МИННАТДОРЧИЛИК •

ТАЪЗИМ СИЗГА ҚЎЛИ ЕНГИЛ ШИФОКОРЛАРИМ

Яқинда Самарқанд вилояти Нарпай тумани тиббиёт бирлашмасининг режали жарроҳлик бўлимида даволандим. Инсон бемор бўлгандагина соғлик бебаҳо бойлик эканини юрак-юракдан ҳис этар экан. Нега соғлигимга вақтида эътибор бермадим деган афсусли фикрлар хаёлимдан ўта бошлади.



Дардини берган Олдохимдан шифосини ҳам беришини илтижо қилиб сўрадим. Илтижоларим ижобат бўлди. Яхшиямки, врачларимиз борки, барча беморларни қалбида соғайишига бўлган ишончни уйғота оладилар. Саломатлигимни тиклаш мақсадида кўз касал-

ликлари шифокори Нуринисо Маматова билан учрашдим. Энг аввало, шифокоримнинг ширин сўзи дардимга малҳам бўлди. Нуринисо Маматованинг қилган меҳнатини тошу тарози билан ўлчаб бўлмайди. Агар барча шифокорларимиз Нуринисо Маматовадек бўлганида эди, беморларимиз тезда соғайиб кетар эди. Кўпчилик ерда фаришталар йўқ, дейишади. Эй инсонлар, кўзингизни каттароқ очинг. Заминимизда инсон қиёфасидаги фаришталаримиз кўп. Агар кўзингиз билан кўра олмасангиз қалб кўзингиз ила боқинг уларга. Улардан бири Нуринисобегим Маматовадир. Жарроҳлик бўлимининг палаталари тоза, озода, юзга яқин гуллар беморларга завқ бағишлайди. Шифохонанинг ховлисидаги мевали, манзарали дарахтлар ва турфа хил гулларни кўрганларни кўзи қувнайди. Ёзнинг иссиқ кунларида кўкка бўй чўзган арчанинг соясидаги ўриндиқларда ўтирганларнинг кайфияти



янада кўтарилади. Менинг тезда соғайишимда шифохона бош врач Шерзод Пармонов, жарроҳлик бўлими бошлиғи Худойберди Мирзаев, катта ҳамшира Зиёда Собирова, ҳамширалар Инобат Уразова, Шоҳида Очилова, Ойбек Жонибеков, бўлим бекаси Пера Халиллаева, фаррош Лола Жўрахолова ва ошпаз Дило-

ром Умрзоқоваларнинг хизматлари чексиздир. Ниҳоятда камтар ва самимий кўз касаллиги шифокори Улугбек Тангриевдан ҳам беморлар миннатдор. Барча бўлимларга дориларни ўз вақтида беминнат етказиб бераётган шифохона доришуноси Илёс Танибердиевдан даволанувчилар хурсанд.

Саломатлигимни тиклаб оилам бағрига қайтишимда ўз билим ва малакаларини аямаган жамоанинг барча шифокору ҳамширалари ҳамда кичик тиббиёт ходимларига ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни билдираман. Уларга мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржамлик, масъулиятли ва шарафли ишларига омадлар тилаб қоламан.

**Сафия НАЗАРОВА,
Самарқанд вилояти.**

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Таъкидлаш муҳимки, ҳаволар совий бошлаши билан аҳоли орасида ўткир респиратор вирусли инфекциялар кенг тарқалиб, касалланиш ҳолатлари ортиб боради. Ва бу ажабланарли эмас, чунки бу кенг тарқалган юқумли касалликлардан биридир.

фокорга мурожаат қилиб, керакли даво муолажалари ва тавсиялару олишингиз зарур. Нафас қисилиши (нафас олиш қийинлашуви), ўткир томоқ оғриғи, кучли йўтал, тошма каби аломатлар ҳамда ўткир бронхит (кейинчалик пневмонияга ўтиши мумкин), ўрта отит (ўрта кулоқнинг яллиғланиши) тана ҳа-



болалар имкон қадар тоза ҳавода кўпроқ юришлари керак. Шунингдек, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш зарур. Энг муҳими ташқаридан келгандан сўнг қўлингизни совун билан яхшилаб ювиб ташлашингиз зарур.

Бемор саломатлигини тезда тиклаши учун қуйидаги

соғлом овқатланиш тарзига амал қилиши керак. Жумладан, "С" витаминининг энг кўп миқдори: карам, лимон, киви, мандарин, апельсин, бундан ташқари, асал чой, малина шарбати каби мазали дори-дармонлардан фойдаланиши мумкин.

Айтиш жоизки, касалликдан кўра, унинг асорати хавфли бўлади. Шундай экан, касалликнинг дастлабки белгиларида шифокорга ўз вақтида мурожаат қилинг, барча керакли текширувларни ўтказинг ва мутахассис тавсияларига амал қилинг.

**Раъно ТАДЖИБАЕВА,
Тошкент тиббиёт академияси катта ўқитувчиси.**

КАСАЛЛИКДАН КЎРА, АСОРАТИ ХАВФЛИ

Ўткир респиратор вирусли инфекциялар нафас йўллариининг шиллик қаватига таъсир қилувчи вирусларни келтириб чиқарадиган ўткир юқумли касалликларнинг гуруҳидир. Мазкур касаллик асосан куз ва қиш фаслида кўпроқ учрайди. Катта ёшдагилар йилига 3 мартагача ёш болалар эса йилига 12 мартагача касалланиши мумкин. Одатда,

касаллик ҳаво орқали юқади. Бемор айниқса, акси урганда, йўталганда вирус томчиларини тарқатади.

Касалликни ривожланишига қуйидаги омиллар сабаб бўлади: иммунитетнинг пастлиги, стресс, аллергия касалликлар, чекиш, метаболик жараёнларнинг бузилиши (сезимлик, диабет).

Агар сизда қуйидаги ҳолатлар кузатилса, албатта, ши-

роратининг ошиши, мушаклардаги оғриқ, терлаш, умумий ҳолсизлик ва уйқусизлик бўлганда.

Касалликни олдини олиш учун жамоат жойларида, мактаб, боғча, таълим муассасалари, театр ва киноларга ташриф буюрмаслик, шунингдек, оммавий тадбирларда қатнашиш тавсия этилмайди. Мазкур касаллик билан хасталанган катталар ва

КАРДИОЛОГИЯ

СКОЛИОЗ АССОЦИИРУЕТСЯ С УВЕЛИЧЕНИЕМ РИСКА РАЗВИТИЯ ЗАБОЛЕВАНИЙ СЕРДЦА

Сколиоз может оказывать влияние на состояние органов грудной клетки. В крупном регистровом исследовании, посвященном был проведен скрининг на выборке более 500 тыс. лиц в возрасте 40-65 лет. Среди них было 39559 пациентов, которым выполнялось МРТ сердца (с захватом всей грудной клетки).



ной патологией, гиперлипидемией, гипертонией.

При анализе МРТ было показано, что сколиоз ассоциируется с деформацией сердца со сдавлением в вертикальном направлении и декомпрессией по бокам. Для этих пациентов типичной оказалась диастолическая дисфункция миокарда ЛЖ. Пациенты со сколиозом характеризовались повышенным риском развития сердечно-сосудистых заболеваний в течение жизни преимущественно за счет фибрилляции предсердий и сердечной недостаточности.

Rmj.ru.



У 4095 пациентов по результатам анализа МРТ был выявлен сколиоз. Такие пациенты были старше, чаще это были женщины, среди них чаще встречались пациенты с сердечной недостаточностью, клапан-

ЗДОРОВЬЕ

ПОЧЕМУ ПРИ ОРВИ НЕ НУЖНО ПРИНИМАТЬ АНТИБИОТИКИ

Если человек чувствует признаки простуды - это в большинстве случаев говорит, что у него острая респираторная вирусная инфекция (ОРВИ).



Сейчас это может быть грипп, COVID-19 и другие вирусные заболевания. Антибиотики вирусы не подавляют, а потому для лечения ОРВИ бесполезны. Более того, при неоправданном их применении могут усугубить состояние больного. Об этом сообщил инфекционист Владимир Чуланов.

"Важно помнить, что ОРВИ, включая грипп, аденовирусную инфекцию и некоторые другие, вызываются вирусами, на которые антибиотики не действуют. Прием антибиотиков не только не поможет вылечить ОРВИ, но может нанести вред здоровью", - сказал Владимир Чуланов.

Такие риски обусловлены тем, что антибиотики поражают не только болезнетворные бактерии, которые могут присоединиться к вирусной

инфекции и, например, вызывать бактериальную пневмонию, но и воздействуют на полезную микрофлору.

"То есть они воздействуют на те [микроорганизмы], которые в норме присутствуют в организме человека, и играют важную роль во многих процессах, в том числе в регуляции иммунитета. Поэтому назначение антибиотиков должно быть обоснованным. Назначать антибиотики могут только врачи при наличии признаков бактериальной инфекции", - подчеркнул Владимир Чуланов.

Ирина НЕВИННАЯ

• ТРАДИЦИОННЫЙ ПРОДУКТ •

КАКУЮ БАНОЧКУ НАДО ОТКРЫТЬ, ЧТОБЫ ПОДДЕРЖАТЬ СВОЙ ОРГАНИЗМ ЗИМОЙ

На столе варенье, особенно в холодное время года, - традиционный продукт. Терапевт Екатерина Майорова составила рейтинг самых полезных видов варенья и при этом советует заготавливать его самим, а не покупать в магазине, чтобы оно было точно из натуральных и качественных продуктов.

ВАРЕНЬЕ ИЗ ОБЛЕПИХИ бактериальных свойствах. Поэтому сейчас, когда свирепствуют грипп и простуда, ему нет рав-

ных. Кроме того, облепиховое варенье рекомендуется беременным женщинам, так как работает на укрепление иммунитета, который в этот период должен защищать сразу двоих.

МАЛИНОВОЕ ВАРЕНЬЕ

Это царь-варенье! У него слава природного антибиотика. Так как в его состав входят веще-

ства, обладающие бактерицидным и потогонным действием, то его испокон веков едят при простудах. Малиновое варенье снижает температуру и стимулирует восстановительные процессы организма. Кроме того, есть данные, что малиновое варенье является хорошей профилактикой онкологических заболеваний.



Kubnews.ru.

ФФБ ОГОҲЛАНТИРАДИ

Маълумки, қишки иситиш мавсуми бошланишидан аввал табиий газ ускуналари, печ, қозонхоналар, иссиқлик генераторлари ва колорифер ускуналар, шунингдек, бошқа иситиш анжомлари текширилиб, таъмирланган бўлиши керак. Носоз ҳолдаги ва рухсат берилмаган иситиш анжомларидан фойдаланиш, хусусан, аҳоли кўп йиғиладиган биналарга иситиш печларини ўрнатиш тақиқланади.

Печ ва бошқа иситиш анжомлари ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилинган ҳолда ёнувчи қурилиш конструкцияларидан маълум масофа ва ўчоқхона эшикчасининг олди (агарда пол ёнувчи моддадан қурилган бўлса) 0,5x0,7 м. ўлчамдан кам бўлмаган тунука билан қопланиши керак. Тандирларни жойлаштиришда ушбу жойнинг шамол йўналиши ҳисобга олиниб, турар-жой ва бошқа хўжалик биналаридан хавфсиз масофада

шамол йўналишига қарши томонга қурилади. Дудбуронлар ҳам қора қурумлардан тозаланиши керак.

Қозон ва иссиқлик генератор ускуналарининг форсункаларини ёнилги берувчи қувурларига камида 2 та жўмак (вентил) ўрнатилган бўлиши мақсадга мувофиқ. Масканлар ва аҳоли яшаш жойларидаги қозонхоналар ва бошқа иситиш ускуналаридан фойдаланишда қуйидагиларга рухсат берилмайди:

- махсус ўқишдан ўтмаган ва бу ҳақида тегишли ихтисослиги бўйича гувоҳномаси йўқ киши- сиз қолдириш ҳамда уларни назорат қилишни ёши болаларга топшириш; ёнилги ва бошқа материал- кўмир, қозғоз ва газ ёқилгиларига мўлжаллаган печларда бошқа ёқилгидан фойдаланиб ёқиш;

ХАВФСИЗЛИГИНГИЗГА ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛМАНГ

ларни ишлашга йўл қўйиш; ускуналарнинг ишлатиш техник шартларида кўзда тутилмаган бўлса, ёқилги сифатида нефть маҳсулотларнинг чиқиндиларидан ва бошқа ёнилги ёнувчи ёки ёнувчи суюқликлардан фойдаланиш. Шунингдек, табиий газ ёрдамида иситиш печларидан фойдаланишда қуйидагилар тақиқланади: ёнаётган печларни қаров-



ларни ўчоқ олдидаги тунука устига ёки печ атрофида қўйиш; печ ва тандирларни ёқиш учун тез ёнувчи суюқликлардан (бензин, керосин, дизел ёнилгиси ва бошқалар) фойдаланиш;

хонада мажлис ёки бирон бир тадбир ўтказиладиган вақтда печларни ёқиш; вентиляция ва газ каналларидан дудбурон сифатида фойдаланиш; печларни хаддан зиёд қиздириб юбориш.

Б. ҲИКМАТОВ, "Қорасув қароргоҳи" Давлат резиденцияси ЁХТТЕБ ЁН ва ПБ мутахассиси, катта сержант.

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

«Янги йил» байрами билан барчангизни чин қалбимиздан муборакбод этамиз! Сизларнинг ҳаётингизда ҳам ушбу байрам рамзига айланган ижобий янгиланиш ҳолатлари содир бўлишида тилакдошмиз! Хонадонингизга битмас-туганмас бахт-саодат ва қувонч ташриф буюрсин. Дастурхонингизда доимо тўкин-сочинлик ҳукмрон бўлсин! Омад қуши сизга ва яқинларингизга ҳамроҳ бўлиб қолсин!

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

Сизларни Янги йил байрами муносабати билан муборакбод этамиз. Сизларга ушбу байрам шарафи билан янгидан-янги муваффақиятлар, ижобий ўзгаришлар ва омад ёр бўлишини астойдил тилаб қоламиз. Барча келгуси ишларингизда ҳар қандай тўсиқларни мардонавор енгиб ўтиб, эзгу мақсадлар сари дадил одимлаб боришингизга тилакдошмиз. Ҳамиша соғ-саломат бўлинг, лабингиздан кулгу аримасин!

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

Азиз Юртдошлар!
Сизларни Янги йил байрами билан самимий қутлаб, хонадонингизда тинчлик, саломатлик, хотиржамлик ва меҳр-оқибат ҳис-туйғулари ҳукмрон бўлишини тилаб қоламиз! Келгуси ҳаётингизда ҳамиша сизга бахт-иқбол ҳамроҳ бўлсин!

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН УРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

Ҳурматли Ватандошлар!
Янги йилингиз муборак бўлсин!
Янги йил байрами муносабати билан Сизга аъло кайфият ҳамда мустаҳкам саломатлик тилаб қоламиз. Омад ва бахт қушлари елкангизни асло тарк этмасин! Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават.
Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 668 нусха.
Буюртма Г-1240

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 4 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифачовчи: Нарзулла Хамроев

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.